БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 14 декабрь Жума
№ 239 (13.675).
Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•

Тармоқ меҳнаткашларининг ютуқлари

Ўзбекистоннинг электр энергетикаси иссиқлик ва гидроэлектростанцияларни энергетика тармоқлари ва бошқа иншоотларни ўз ичига олади. Ўзбекистон ССЖ Давлат ҳисоб қўмитасининг хабар беришича, ўн иккинчи беш йиллик мобайнида электр энергетика соҳасида 456 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Янги Ангрен ва Тахиатош ГРЭСларида қувватлар фойдаланишга топширилди. 28,5 минг километр узунликдаги турли кучланишли электр линиялари, қувватни кўчайтирувчи трансформатор станциялари, 17,5 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари ва шу сингарилар қурилди.

Тармоқ корхоналарида салкам 26 минг ходим меҳнат қилмоқда. Жумҳурият саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида электр энергетиканинг улуши 4,3 фоизни ташкил этади.

Январь—ноябрь ойларида тармоқда электр энергия ҳосил қилиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 фоиз кўпайди.

Электр энергия ҳосил қилиш 1989 йилнинг январь—ноябрь ойларига нисбатан 1.8 фоиз кўпайди.

Электр энергия ҳосил қилишни кўпайтиришга гидроэлектростанциялар ҳисобига эришилди. Иссиқлик станцияларида электр энергия ҳосил қилиш 0,3 фоиз камайди.

Ўзбекистон ССЖ Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг иссиқлик станцияларида электр энергия ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишда ёқилғини тежашга эришилди. Бу кўрсаткич тўққиз ой ичида 13 минг тонна шартли ёқилғини ташкил этди.

Электр энергетика корхоналари ва ташкилотлари халқ учун моллар ишлаб чиқаришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўн бир ой ичида тармоқдаги барча корхоналар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режасини бажарди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССЖ Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли корхоналар бутун жумҳуриятдаги заҳарли моддалар жами ҳажмининг тўртдан бир қисмидан кўпроғини атмосфера ҳавосига чиқариб, экология жиҳатидан зарарли корхоналар бўлиб қолмоқда. Тўққиз ой ичида жами 264,2 минг тонна, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоиз кўп зарарли модда атмосферага чиқарилди. Ҳар уч корхонадан бири зарарли моддалар чиқариш ҳажмини кўпайтирди.

«Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Устави тўғрисида»

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг қарори

1. Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Устави (илова қилинади) тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси, Марказий Назорат Комиссияси, комсомол қўмиталари, Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг делегатлари Ўзбекистон ЛКЁИ Уставининг асосий қоидаларини комсомоллар ва ёшлар ўртасида тушунтириш юзасидан зарур бўлган ишни ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Компартияси Уставида комсомоллар—КПСС аъзолари фирқа аъзолик бадалларини тўлаш тартибини белгилаб берилган тақдирда, ана шу қоида Ўзбекистон ЛКЁИ норматив ҳужжатларига киритилсин.

4. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига бир ой муддат ичида «Ўзбекистон ЛКЁИ Уставининг «Ички иттифоқ турмуши асослари» II бўлимининг амал қилишини киритиш тўғрисида Низом» ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ЛКЁИнинг янги норматив ҳужжатлари қабул қилингунига қадар барча комсомол ташкилотлари ва органлари аввал қабул қилинганига амал қиладилар.

5. Ўзбекистон ЛКЁИ Устави мазкур қарорнинг 4-бандига аниқликлар киритишни ҳисобга олиб, қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди томонидан 1990 йил 29 ноябрда қабул қилинган

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг УСТАВИ

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи ёшларнинг қўнгилли, мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилотидир.

Ўзбекистон ЛКЁИнинг асосий мақсади — йигит-қизларни эркин камол топтириш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён қилишни таъминловчи жамият барпо қилишда қатнашишдир. У Иттифоқ аъзолари ва хайрихоҳ ёшларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариш учун куч-ғайратларини бирлаштиради. Иттифоқ ёш фуқароларга сиёсий маданиятни эгаллашга умумхалқ муросасига ва миллатлараро осойишталиккa эришишга ёрдам беради, умуминсоний қадриятларни, миллий ва байналмилал манфаатларни ҳимоя қилади.

Иттифоқ ўз Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставига, Ўзбекистон ССЖ Конституциясига ва қонунчилигига мувофиқ фаолият кўрсатади, ёшлар манфаатлари йўлида давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашади.

I. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

1. Жумҳуриятда яшайдиган, ишлайдиган ёки ўқийдиган 14 ёшдан то 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатномавий ҳужжатини ва Уставини эътироф этадиган, бошланғич комсомол ташкилотининг фаолиятида қатнашадиган, аъзолик бадалларини тўлаб борадиган йигит ва қиз Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бўла олади. Бошланғич комсомол ташкилотининг қарорига биноан Ўзбекистон ЛКЁИга аъзо бўлиш ёши доираси кенгайтирилиши мумкин.

2. Ўзбекистон ЛКЁИнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси:

а) ўзининг фуқаролик манфаатларига комсомол ташкилотлари томонидан сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш; ижтимоий фойдали ташаббус ва таклифларни қўллаб-қувватлаш учун комсомол органларига, оммавий ахборот воситаларига мурожаат этиш; шу мақсадда Ўзбекистон ЛКЁИнинг сиёсий, ташкилий ва моддий имкониятларидан фойдаланиш;

б) ташкилот аъзоларига, ҳар қандай йигит-қизга бўлган муносабатда ижтимоий адолат принципини ҳимоя қилиш;

в) комсомол органларига номзод кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш;

г) исталган комсомол аъзосини ва Иттифоқ органини муҳокама этиш, танқид қилиш, таклиф киритиш, комсомол ва жамият турмушининг барча масалалари юзасидан ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш;

д) ҳар қандай масалалар кўрилаётган пайтда ўз бошланғич ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органларининг йиғилишларида, мажлисларида шахсан қатнашиш;

е) комсомол органларининг тасарруфида бўлган ахборотларни олиш, исталган комсомол органига саволлар, аризалар ва таклифлар билан мурожаат қилиш, жавоб олиш, комсомолнинг ички назорат ишида қатнашиш;

ж) принциплари ва фаолияти Ўзбекистон ССЖ Конституциясига зид бўлмаган, Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставини бажаришга тўсқинлик қилмайдиган бошқа ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар ишида қатнашиш;

з) бир ташкилотдан иккинчисига охиргисининг розилиги билан ўтиш ҳуқуқларига эга.

3. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзосининг бурчлари Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставидан келиб чиқади.

Ўзбекистон ЛКЁИ аъзосининг бурчлари:

а) Ўзбекистон ЛКЁИ обрў-эътибори тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг ғояларини ва мақсадларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;

б) ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтириш;

в) ўзининг ва бошқа халқларнинг маданий ва маънавий бойлигини ҳурмат қилиш, жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ривожлантиришга шахсий ҳисса қўшиш;

г) халқлар дўстлигини ва бир-бирини тушунишни мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

4. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолигига қабул қилиш бошланғич комсомол ташкилотида якка тартибда ўтказилади. Йиғилишида қатнашаётган комсомол аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади. Агар яшаш ёки ишлаш жойида комсомол ташкилоти тузилмаган бўлса, тегишли шаҳар, ноҳия комсомол ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органи комсомол сафига қабулни ташкил қилади.

Йигит ва қизнинг динга ёки даҳрийликка бўлган муносабати унинг Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бўлишига таъсир қилмайди. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари комсомол билети ва нишонига эга бўладилар. Ўзбекистон комсомоли қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган ўзининг қўшимча рамзига эга бўлиши мумкин. Комсомол аъзоларининг ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси томонидан белгиланади.

5. Ўзбекистон ЛКЁИда аъзолик қуйидаги ҳолларда:

а) комсомол аъзосининг ўз хоҳишига биноан бу масала бошланғич комсомол ташкилотида кўриб чиқилганидан сўнг;

б) Ўзбекистон ЛКЁИга аъзолик муддати чекланган ёшга тўлиши муносабати билан, агар комсомол аъзоси ўша муддатга келиб комсомол органларига сайланмаган, комсомол ишида бўлмаган ва Ўзбекистон ЛКЁИда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза бермаган бўлса тўхтатилади.

6. Комсомол интизомини бузганлиги учун Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларига нисбатан ўртоқларча танқид, ҳайфсан, Ўзбекистон ЛКЁИ сафидан чиқариш сингари комсомол таъсир чоралари кўрилиши мумкин.

7. Ўзбекистон ЛКЁИ сафидан чиқариш учун комсомол аъзосининг Ўзбекистон ЛКЁИ мақсадини ва Устави талабларини рад этадиган фаолияти ва хулқ-атвори асос бўлади.

Ўзбекистон ЛКЁИдан чиқариш тўғрисидаги масала бошланғич ташкилотда ҳал этилади. Йиғилишда қатнашаётган ЛКЁИ аъзоларининг камида 3/2 қисми уни ёқлаб овоз берган ҳолда қарор қабул қилинган деб ҳисобланади. Ўзбекистон ЛКЁИ сафидан чиқарилган икки ой муддат ичида юқори комсомол органларига, то Ўзбекистон ЛКЁИ съездигача шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб икки ойдан кўп бўлмаган муддат ичида кўриб чиқилади.

8. Комсомол аъзосини сафдан чиқариш фактига бошқача муносабатни шакллантирадиган вазият аниқланса, қайта тиклаш тўғрисидаги масала, қарорнинг қабул қилинган муддатидан қатъий назар, бошланғич комсомол ташкилоти ёки Ўзбекистон ЛКЁИнинг юқори органлари томонидан кўриб чиқилиши зарур.

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ ТАШВИШИДА

БАЛИҚЧИ ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигининг кўпчилик аҳолиси туғаб бораётган йилда хўжаликда ташкил этилган янги ишлаб чиқариш бўлинмаларида, ёрдамчи корхоналарда ишга эга бўлдилар.

Масалан, хўжаликнинг марказий қўрғонида кузда ишлаб чиқариш ширкатлари фаолият кўрсата бошлади, уларда 60 дан ортиқ киши — асосан уй бекалари ва мактабларни тугатган ёшлар ишламоқда. Ишлаганда ҳам жон-диллари билан меҳнат қилишмоқда. Шойи тўқиш ширкатида ишлаб чиқарилган олти хил хонатлас ноҳия аҳолисига жуда ёқиб қолди. 30 нафар ташаббускор кишилардан иборат кичик жамоа ҳозирнинг ўзида 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Ёғочни қайта ишловчи ширкат усталари ўзларининг ва қўшни хўжаликларнинг аҳолиси берган буюртмаларни тез ва соз бажаришмоқда. Бу ерда сандиқлар, китоблар учун жавонлар, пардоз берилиб, шарқона нақшлар туширилган хонтахталар, ўриндиқлар тайёрлашади. Мазкур ширкат якка тартибдаги қурилишлар ривожланиши билан эшиклар, дераза ромлари, бошқа дурадгорлик буюмларини ишлаб чиқара бошлади.

Ноҳияда ҳозирча ягона — колбаса цехида ҳам маҳсулотнинг дастлабки тоннаси ишлаб чиқарилди. Дудланган ва ярим дудланган колбасаларнинг бир неча хилини тайёрлаш ўзлаштирилди.


ДАРОМАД— ИЖТИМОИЙ ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН

Самарқанд вагон депосининг жамоаси бу йил бир миллион сўм даромад қилди. Бу — унинг барча бўлинмалари барқарор ишлаганн натижасидир. Ишлаб топилган пуллар нимага сарфланади?

— Бозор муносабатларига ўтиш учун мустаҳкам пойдевор керак бўлади, — дейди депо бошлиғи Ю. Овчинников. — Маблағнинг бир қисмини цехлар ва участкаларни такомиллаштиришга сарфлаймиз. Замонавий ишлаб чиқариш базаси бўлмаса барқарор ишлаш тобора қийинлашаверади. Қолган пул эса ишчиларни моддий рағбатлантиришга, уй-жой қурилишига сарфланади. Даромаднинг анчагина қисми жамоада ишлаётган пенсионерларга товон сифатида тўланади.

Депода ўн беш-йигирма йил ишлаган ветеранларга улар қанча пенсия олаётганидан қатъи назар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар ойда қўшимча равишда бир неча ўн сўмдан тўланмоқда. Пенсияга чиқаётганлар эса энди ўз номларига икки минг сўмдан пул қўйилган жамғарма дафтарчаларини олишмоқда.

Самарқанд.



ХОРАЗМ вилояти. Урганч сут заводи жамоаси эришаётган муваффақиятлар бир талай. Йил бошидан буён режадан ташқари 1000 тонна 22 турдаги сут маҳсулотлари аҳолига етказиб берилди. Янги «Тонус» доривор ичимлиги харидорларга манзур бўлмоқда.

Сиз кўриб турган суратда жумҳуриятда ягона соатига 2,5 тонна сузма ишлаб чиқарувчи автомат линия тасвирланган.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзТАГ) сурати.

ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРТОҚЛАШДИЛАР

Ўш вилояти касаба уюшмалари кенгашининг вакиллари Фарғонадаги ўз ҳамкасблари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Касаба уюшмаси ходимлари бир неча кун мобайнида янгича шаклларга ўтган Фарғона вилоят касаба уюшмалари кенгашининг фаолияти билан танишдилар. Ташкилотда ишлаб турган бўлимлар ўрнига фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича бешта доимий комиссия тузилди. Жумҳуриятда илк бор касаба уюшмалари вилоят кенгашининг таркиби янги усулда — белгиланган нормалар асосида бевосита делегатлар юбориш йўли билан шакллантирилди. Раис ва унинг ўринбосарлари, комиссиялар раислари сайлови бевосита овоз бериш йўли билан ўтказилди.

— Ҳамкасбларимиз ўтказган ташкилий қайта қуриш ғоят қизиқарлидир, — деди Ўш вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси К. Худойбердиев. — Бу тажрибадан биз ҳам фойдаланамиз.

Қирғизистонлик меҳмонлар Фарғонада меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштириш, улар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари қандай ҳал этилаётганлиги билан ҳам қизиқдилар. Ўшликлар «Трудовая Фергана» касаба уюшмаси рўзномасининг фаолияти билан танишдилар, касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ТАСС, ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

Шу сонга хабар

Журналистлар билан учрашув

МЕҲР-МУРУВВАТ ва саломатлик Шўро жамғармаси бошқарувининг раиси В. В. Меньшиков, «Неделя» ҳафтаномасининг бош муҳаррири В. А. Сирокомский 12 декабрь куни ССЖИ Ташқи ишлар вазирлиги матбуот марказида бўлиб ўтган брифингда журналистларни мазкур хайрия ташкилотининг фаолиятидан хабардор қилди. Улар жамғарманинг мақсади қариялар, беморлар, ногиронларга ёрдам беришдан иборат эканини айтдилар. Ташкилот шу кунларда чет эллардан ССЖИга келаётган ёрдамни тақсимлаш билан фаол шуғулланмоқда. Ҳозирги вақтда жамғарма Германияда ССЖИга ёрдам ҳаракатини авж олдириб юборган ташкилотлар билан бевосита алоқа боғламоқда. Жамғарма ўз иштирокида ССЖИга келтирилаётган ёрдамни ҳалол ва аниқ-пухта тақсимланишига кафолат бериши айтилди. Яқин кунларда жамғарма орқали Германиядан Минск, Курск ва бошқа шаҳарларга ёрдам юклари келади, келгусида эса бундай ёрдам юбориладиган жойлар кўпаяди. Германиядан юборилаётган жўнатмаларнинг ҳар бирида умумий вазни 11,5 килограммли турли маҳсулотлар бор, дейишди сўзга чиққан кишилар.

Қишлоқ ҳафтаномаси

ИЗБОСКАН ноҳиясининг аҳолиси «Соҳибкор» деб аталган рўзноманинг дастлабки сонини олди. Шахсий хўжаликлар ва фермерларнинг бу йил тузилган ноҳия уюшмаси ноҳия деҳқончилик саноати иттифоқи билан биргаликда ана шу ҳафтаноманинг ношири бўлдилар.

«Соҳибкор»нинг биринчи сонида бозор иқтисодиёти арафасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш муаммоларини, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлайдиган қўшма корхоналар тузишда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда шахсий хўжаликларга ёрдам бериш йўлларини ёритувчи мақола ва хабарлар босилган.

Рўзноманинг бу сонида, шунингдек, ёз ва қиш шароитларида сабзавот экинлари ҳамда ошкўклар етиштириш юзасидан деҳқонларга амалий тавсиялар ҳам берилади.

«Дам олиш саҳифаси» ҳам рангбаранг ва қизиқарли материалларга бой бўлиб, мунтазам бериб борилади.

«Соҳибкор» рўзномаси ҳафтада бир марта чиқади.

Ўш вилоятида ер қимирлади

ФРУНЗЕ, 12 декабрь. (ТАСС). Бугун Москва вақти билан соат 10 дан 35 минут ўтганда Қирғизистонда ер қимирлади. Зилзила марказида силкиниш кучи 4—5 баллни ташкил этди.

Қирғизистон ССЖ Фанлар академияси сейсмология олий билимгоҳининг маълумотларига кўра, ер ости бўронининг манбаи Ўш шаҳридан 98 километр жануби-шарқда ва Фрунзе шаҳридан 320 километр жануби-ғарбда жойлашган. Зилзилани Сўфиқўрғон ва Гулча қишлоқларининг аҳолиси сезди. Сўфиқўрғонда зилзила кучи 4 баллга ва Гулчада 3 баллга етди.

Дастлабки маълумотларга кўра, вайронагарчиликлар бўлмади.

«Алишер Навоий» операси

ТЕАТР жамоалари Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий» саҳна асарига неча марталаб мурожаат этишган. Энди бу асар опера саҳнасида — буюк шоир ва мутафаккир номи билан аталувчи Ўзбекистон ССЖ Катта театрида ҳам қўйилди. Ушбу асарга ўзбек бастакори Мутал Бурхонов мусиқа басталади.

Шуниси диққатга сазоворки, режиссёр, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати Баҳодир Йўлдошев ўз кучини биринчи марта опера саҳнасида синаб кўрди. У ижодий фаолияти давомида биринчи марта ўзи учун ғайритабиий бўлган опера санъатига мурожаат этди. Операни яратишда саҳна безаклари устаси Туйғун Шораҳимов, либослар устаси Зинаида Куриш унга яқиндан ёрдам бердилар.

Алишер Навоий роли икки актёрга — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳусанов билан Ш. Ғафуровга ишониб топширилди. А. Бозоров ва Ш. Зиямуҳамедов Ҳусайн Бойқаро, Ш. Тўхтабоева, Ю. Абдуллаева, М. Маматовалар эса Гули образини яратдилар. Спектаклга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғани Тўлаганов дирижёрлик қилмоқда. Опера Алишер Навоийнинг яқинлашиб келаётган 550 йиллик таваллуди муносабати билан саҳналаштирилди.

Шу сонга хабар

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг УСТАВИ

(Боши 1-бетда).

9. Ўзбекистон ЛКЁИда жамоа тарздаги аъзолика йўл қўйилади. Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатномавий ҳужжатларини тан олувчи, уни амалга оширишда қатнашувчи жамоа ташкилотлари, жамоатлар, қизиқишлар бўйича клублар, ҳаракатлар, корхоналар, йигит-қизлар гуруҳи ва бошқалар жамоа аъзолари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ЛКЁИга қабул қилиш ёзма аризага биноан жамоа аъзолари қайси ташкилот таркибига кираётган бўлсалар, ўша ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган органи томонидан амалга оширилади.

Жамоа тарздаги аъзолик масалалари иккала томон ўртасидаги шартномада белгиланади.

II. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ ИЧКИ ИТТИФОҚ ТУРМУШИНИНГ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон ЛКЁИ ички иттифоқ турмуши Иттифоқ ва ҳар бир комсомолнинг манфаатларини уйғунлаштирган демократик асосларга қурилади. Ўз фаолияти воситаларини танлашда комсомол ташкилотларининг кенг кўламда мустақиллиги, улар фаолиятида ҳамжиҳатлик ва мувофиқлаштиришни назарда тутади.

10. Ўзбекистон ЛКЁИда барча ташкилотлар фаолиятида жамоатчилик, қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда жамоавийлик, топшириқ ва ташкилот турмушида қатнашиш учун ЛКЁИ аъзоларининг шахсий масъулияти таъминланади.

Ўзбекистон комсомолининг юқори органлари: умумий йиғилиш, конференция ёки съезд ҳисобланади. Агар бунда комсомол ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи қатнашса, улар ваколатли ҳисобланади. Қарорлар, уларнинг ишида қатнашаётган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари, делегатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11. Ўзбекистон ЛКЁИда барча комсомол органларининг қуйидан юқоригача сайлаб қўйилиши амалга оширилади. Сайловлар ўтказилиш тартиби тегишли комсомол органлари томонидан комсомол ташкилотларининг таклифлари асосида белгиланади. Юқори раҳбар комсомол органлари ўз вазифаларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган органлари (бюро, қўмита, кенгаш ва ҳоказоларни), назорат комиссияларини шакллантирадилар.

Сайлаб қўйиладиган органлар ўз ваколатларини тегишли ташкилотнинг олий органи белгилаб берган ҳуқуқлар доирасида амалга оширадилар. Мазкур ҳудуддаги комсомолларни бирлаштирган ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган органи унинг таркибида бўлган ҳамма комсомол ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларига нисбатан юқори орган ҳисобланади.

Сайлаб қўйиладиган орган мажлиси, агар унинг ишида, аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашганда, ҳақиқий ҳисобланади. Қарорлар сайлаб қўйиладиган орган мажлисида қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Назорат комиссиялари Ўзбекистон ЛКЁИ съезди томонидан тасдиқланган назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом асосида ўз вазифаларини амалга оширадилар.

Ўзбекистон ЛКЁИ барча даражадаги сайлаб қўйиладиган органларнинг таркиби уларнинг ваколат муддатлари тугагунча, белгиланган тартибда янгиланиши ёки қайта сайланиши мумкин. Масала Ўзбекистон ЛКЁИнсига кирувчи ташкилотларнинг ёки ташкилот аъзоларининг тўртдан бир қисми талабига кўра ёхуд сайлаб қўйиладиган орган аъзоларининг кўпчилиги истеъфога чиқиши ҳақидаги аризаси асосида кўриб чиқилади.

12. Барча сайлаб қўйиладиган органлар ва уларнинг аъзолари ўз ташкилотлари олдида йиллик ҳисобот беришлари шарт.

13. Ўзбекистон ЛКЁИда эркин мунозара юритишга, барча органлар ва ташкилотларнинг ишида тўла ошкораликка кафолат берилади. Кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор ҳамма учун мажбурийдир.

Озчилик: ўз нуқтаи назарини комсомол йиғилишларида, конференцияларда, съездларда, ижро этувчи ва назорат қилувчи органларнинг мажлисларида, комсомол оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, маърузалар билан чиқиш, тегишли орган томонидан қабул қилинганиш тартибига мувофиқ тарзда протоколларда алоҳида фикрини ёзиб қўйиш; юқори органдаги масалани қайта кўриб чиқишни талаб қилиш; Иттифоқ аъзолигидан чиқиб кетишигача бўлган масалани ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Келишмовчиликни бартараф қилиш учун ҳар икки томондан тенг вакиллик асосида келиштирувчи комиссия тузилиши мумкин.

Комсомол ташкилотлари ва комсомоллар йиғилишлар, пленумлар, конференциялар, съездлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларнинг ҳаракатини тўхтатиш ҳақлари йўқ, лекин улар юзасидан юқори ёки ўз ташкилотларининг ҳамда бошланғич ташкилотларга мурожаат қилиб, баҳс юритишлари мумкин.

14. Ўзбекистон ЛКЁИда юқори ва сайлаб қўйиладиган, фармойиш берувчи, ижро қилувчи органларнинг ҳуқуқ доиралари чегаралаб қўйилади. Сайлаб қўйиладиган органларнинг вазифалари ва ваколатлари Ўзбекистон ЛКЁИ съезди, тегишли комсомол ташкилотларининг конференциялари ва йиғилишлари қарорлари билан белгиланади.

15. Барча босқичдаги комсомол органлари ўз ваколатлари даврида қабул қилинган қарорларнинг ижросини ва кундалик фаолиятни ташкил этиш учун аппарат тузишлари мумкин. Аппарат ходимларига меҳнат шартномаси ва ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилик таъллуқлидир. Унинг тузилиши, бюджети ва бўлинмалар раҳбарларининг шахсий таркиби тегишли сайлаб қўйиладиган орган томонидан тасдиқланади.

16. Комсомол ташкилотлари амалда бўлган қонунларга мувофиқ тарзда ўз оммавий ахборот воситаларини ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда рўзномалар, ойномалар, ахборотномалар, тарғибот, маълумотнома-ахборот ва реклама материаллари чоп этиш, тегишли таҳририятлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Оммавий ахборот воситалари раҳбарларини тегишли комсомол органлари тасдиқлайдилар.

III. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг негизи бошланғич комсомол ташкилотларидир. Улар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатлик қилиш учун Ўзбекистон ЛКЁИни ташкил қилувчи ноҳия, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилотларига (зарур ҳолларда бошқа уюшмаларга) бирлашадилар.

БОШЛАНҒИЧ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ

17. Бошланғич комсомол ташкилотлари камида учта Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бўлган иш, хизмат, ўқиш, истиқомат жойларида комсомолларнинг манфаатлари муштараклиги асосида таъсис йиғилишларида тузилади. Улар тегишли ноҳия, шаҳар комсомол ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари томонидан рўйхатга олинадилар.

18. Бошланғич комсомол ташкилотлари ўз шаҳар (ноҳияларга бўлинган), вилоят ташкилотлари ва жумҳурият ташкилотлари таркибига бевосита киришлари ёки ноҳиялараро (шаҳар, вилоят ичида) тузилмаларига ташкил этишлари мумкин. Бундай ҳолларда, уларнинг тутган ўрни ва мақоми ўзлари ва тегишли юқори турган сайлаб қўйиладиган орган томонидан белгиланади.

19. Бошланғич комсомол ташкилотлари ўз олдига қўйган вазифалар ва шароитга қараб, мустақил равишда Ўзбекистон ЛКЁИда аъзолик масалаларини, ўз тузилмалари, йўналишлари ва иш услубларини белгилашни, йиғилишлар даврийлиги ва ўтказиш тартибини, молиявий фаолиятини мустақил ҳал қиладилар, шўро, хўжалик, жамоат ташкилотлари ва ёки ушбу ҳуқуқнинг ўз ташкилотини сайлаб қўйиладиган органига бериши мумкин.

Уларнинг Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжатига ва Уставига зид бўлмаган, фақат Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолигидан чиқариш масаласидан ташқари, ҳамма қарорлари юқори комсомол органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас.

Бошланғич комсомол ташкилотлари Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставини тушунтиради ва турмушга татбиқ этади, комсомолларнинг сиёсий ва жамоа ишларида бирлаштиради, уларнинг ҳуқуқларини ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилади, Иттифоқ аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш учун ўзаро ёрдам комсомол жамғармасини тузиши мумкин.

20. Бошланғич комсомол ташкилотларининг умумий йиғилишлари ёки конференциялари тегишли йиғилишлар ва конференциялари томонидан белгиланган муддатга қўмита (бюро, раёсат ва бошқалар) ва (ёки) котиб сайлайди. Бошланғич ташкилотда назорат комиссиялари сайланиши мумкин. Йиғилиш сайлаб қўйилган органнинг қарори ёки мазкур ташкилот аъзоларининг камида 4/1 қисмининг талаби бўйича чақирилиши мумкин.

21. Бошланғич комсомол ташкилотини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор мазкур ташкилотнинг умумий йиғилиши томонидан шу қарорга аъзоларининг учдан икки қисми қўшилган тақдирдагина қабул қилинади. Бошланғич ташкилот фаолияти амалда тўхтаб қолган ҳолда ёки унинг фаолияти Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжатига ва Уставига зид келганда юқори комсомол ташкилоти уни тарқатиш ҳақида қарор қабул қилади. Бу қарор юзасидан эътироз Ўзбекистон ЛКЁИ съездигача билдирилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИНИНГ НОҲИЯ, ШАҲАР, ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Ноҳия, шаҳар, вилоят комсомол ташкилотлари ўз таркибига кирувчи комсомол ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирадилар ва Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжатини, Уставини ва ёшлар сиёсатини амалга оширилишида ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатадилар. Улар Иттифоқ турмушининг барча масалаларини ҳал этишда юқори комсомол органларидаги вакиллари орқали қатнашадилар. Уларнинг Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжатига ва Уставига зид бўлмаган, қарорлари юқори комсомол органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас.

23. Конференциялар — ноҳия, шаҳар, вилоят ташкилотлари учун олий органлар ҳисобланиб, зарур ҳолларда, бироқ 3 йилдан кам бўлмаган муддатда бир маротаба чақирилади. Конференция тегишли орган ташаббусига кўра ёки унинг таркибига кирадиган ташкилотларнинг 4/1 қисми, ёхуд тегишли ташкилот сон таркибининг 4/1 қисмини ўзида бирлаштирган комсомол ташкилотларининг талабига кўра чақирилади.

Конференциялар ўртасидаги даврда ташкилот фаолиятига унинг сайлаб қўйиладиган органи раҳбарлик қилади ва зарур ҳолларда, бироқ камида 6 ойда бир маротаба йиғилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ТАШКИЛОТИ

24. Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилоти Ўзбекистон ЛКЁИга ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида киради ҳамда Ўзбекистон ЛКЁИ марказий сайлаб қўйиладиган органларидаги кафолатланган вакиллари орқали умумкомсомол масалаларини ҳал этишда қатнашади.

Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон жумҳурият ташкилоти Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжати ва Уставига зид бўлмаган ўзининг характномаси ва норматив ҳужжатларига эга бўлиши мумкин.

Ички иттифоқ фаолиятининг барча нормалари, Ўзбекистон ЛКЁИ Уставида белгилаб берилган нормалар бундан истисно, Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилотининг ҳуқуқ доирасига киради.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАНФААТЛАР БИРЛИГИ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИРЛАШМАЛАРИ ВА АССОЦИАЦИЯЛАРИ

25. Ўзбекистон ЛКЁИ бошланғич ташкилотлари ижтимоий ҳаракатномаларини, шунингдек, ёшларнинг бошқа ижтимоий аҳамиятга молик манфаатларини рўёбга чиқариш, ёшларнинг тоифалари бўйича Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ўзбекистон бирлашмалари ва ассоциацияларига (мактаб ўқувчилари, талабалар ва бошқалар) бирлашишлари мумкин.

Жумҳурият бирлашмалари ва ассоциациялари Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжатига зид бўлмаган ўз ҳаракатномаларига эга бўлишлари, умумкомосомол масалаларини ҳал этишда сайлаб қўйиладиган органлари вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин. Ички иттифоқ нормаларини белгилаганда улар Ўзбекистон ЛКЁИ Уставига амал қиладилар. Жумҳурият бирлашмалари ва ассоциациялари ўзларининг қўшимча рамзий белгиларига эга бўлишлари мумкин. Улар Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси томонидан рўйхатга олинадилар.

Бирлашмага ёки ассоциацияга, унга кирувчи бошланғич комсомол ташкилотлари аъзоларининг сон миқдори Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг камида 1 фоизини ташкил этган ва улар вилоят комсомол ташкилотларининг ярмидан кўпининг вакиллиги таъминланган тақдирда жумҳурият мақоми берилади. Бошқа ҳолларда уларнинг мақоми ва тузилмалар таркибидаги ўрни тегишли вилоят, шаҳар, ноҳия ташкилотлари сайлаб қўйиладиган органлари томонидан белгиланади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

26. Ўзбекистон ЛКЁИ юқори органи съезд ҳисобланади. Ўзбекистон ЛКЁИнинг навбатдаги съездлари уч йилда бир маротаба чақирилади. Съезд чақирилиши тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми қабул қилади.

Навбатдан ташқари съездлар Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми ташаббуси билан, шунингдек, жумҳурият комсомоли аъзоларининг 4/1 қисмини бирлаштирган комсомол ташкилотларининг талабига кўра, ёхуд камида 4/1 қисм вилоят комсомол ташкилотларининг талабига кўра чақирилади.

Съездни чақириш тўғрисидаги қарор, кун тартиби, вакиллик миқдори ва делегатларни сайлаш тартиби съезддан камида уч ой олдин эълон қилинади.

27. Ўзбекистон ЛКЁИ съезди комсомол турмуши ва фаолиятига дахлдор бўлган барча масалаларни истисносиз ҳал қилади. Ўзбекистон ЛКЁИ съездининг мутлоқ ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

а) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси ҳисоботлари юзасидан қарор қабул қилиш;

б) Ўзбекистон ЛКЁИнинг умумсиёсий йўлини ва навбатдаги вазифаларини белгилаб бериш;

в) Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжатини ва Уставини қабул қилиш ва ўзгартириш;

г) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг вазифалари ва ваколатларини белгилаш, назорат комиссиялари тўғрисидаги Низомни қабул қилиш;

д) комсомол ташкилотлари томонидан белгилаб қўйилган тартибда сайланган съезд делегатларининг, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзоларининг ваколатларини тасдиқлаш:

е) референдум ўтказиш асосида Ўзбекистон ЛКЁИ номини ўзгартириш, фаолият кўрсатишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

28. Съезд қатнашаётган делегатларнинг кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котибини ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси раисини сайлайди. Марказий Назорат Комиссияси таркибига Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аъзолари сайланиши мумкин эмас.

29. Ўзбекистон ЛКЁИ съезди Марказий Қўмита пленуми қарорига кўра ёки Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг 4/1 қисмини бирлаштирган ташкилотлар ташаббуси билан комсомол фаолиятида вужудга келган энг муҳим сиёсий ва ички иттифоқ, шу жумладан, Ўзбекистон ЛКЁИ съезди қарор қабул қила олмаган муаммоларини ҳал қилиш учун жумҳурият комсомол референдуми ўтказилиши мумкин. Референдум қарорлари, унда қатнашган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз бергандагина қабул қилинган, деб ҳисобланади. Референдумни ўтказиш тартибини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми белгилайди.

30. Съездлар ўртасидаги даврда комсомол ишига съезд томонидан белгилаб берилган ваколатлар доирасида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси:

а) пленумлар ўртасидаги даврда комсомол ишини ташкил қилиш учун Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиблари, Бюросини шакллантиради ва уларнинг вазифаларини аниқлайди ва ваколатлар беради. Бюро таркибига Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон жумҳурият қўмитасининг биринчи котиби, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон кашшофлар ташкилоти жумҳурият Кенгаши раиси ҳамда барча вилоят комсомол ташкилотларининг вакиллари киради;

б) зарур ҳолларда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котибини ва Бюро аъзоларини, Марказий Қўмита котибларини муддатидан олдин қайта сайлайди, янгидан вакил қилинган Марказий Қўмита аъзоларининг ваколатини тасдиқлайди. Марказий Қўмита аъзоларининг 3/2 қисми қарори билан комсомол ташкилотларига Марказий Қўмита аъзолари таркибидан ўз вакилларини чақириб олиш (бироқ 4/1 қисмидан кўп бўлмаган) алмаштириш ҳақида мурожаат қилади;

в) Марказий Қўмита фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, аппарат ишини йўналтириш учун ўз аъзолари таркибидан доимий ва муваққат комиссиялар, ишчи гуруҳлари ва бошқа органлар тузади; Марказий Қўмита аъзоларига топшириқларни белгилаб беради; амалга оширилган ишлар тўғрисида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

г) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси тузилмасини, аппаратини, штатини, бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

д) комсомолларни ҳисобга олиш тартибларини белгилайди ва марказий комсомол органларига сайловлар ўтказиш учун тавсия қилинган тартибларни кўриб чиқади;

е) БЛКЁИ Марказий Қўмитасида, Ўзбекистон ССЖ Олий Шўроси ва ҳукуматида, Ўзбекистон Компфирқасида, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбар органларида Иттифоқ номидан иш тутади.

31. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросининг қарори билан Марказий Қўмита пленумлари камида ҳар олти ойда бир маротаба чақирилади. Одатда пленумни чақириш ва унинг кун тартиблари пленумдан камида бир ой олдин эълон қилинади. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми Ўзбекистон ЛКЁИнинг 4/1 қисмини бирлаштирган комсомол ташкилотлари сайлаб қўйиладиган органларининг талабига кўра ёки жумҳурият ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг 4/1 қисм аъзоларининг таклифи билан чақирилиши мумкин. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми унга сайланган аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

32. Марказий Назорат Комиссияси съезд қарорларининг бажарилишини, Ўзбекистон ЛКЁИ Устави талабларига риоя этилишини, ишларнинг белгиланган тартибда ўтишини, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюджетининг ижроси, шунингдек, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси корхоналари ва муассасалари молиявий-хўжалик фаолияти тўғрилигини ҳамда Ўзбекистон ЛКЁИ назорат комиссиялари тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқа масалаларни назорат қилади.

V. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ ВА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ КАШШОФЛАР ТАШКИЛОТИ, БОШҚА БОЛАЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ

33. Комсомол В. И. Ленин номидаги жумҳурият кашшофлар ташкилоти ва бошқа болалар ташкилотлари билан болаларни ва ўсмирларни ижтимоий ривожлантириш ва ўз сафларини тўлдириб бориш манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилади, уни моддий-молиявий ва илмий-методик томондан қўллаб-қувватлайди. Ходимларни тайёрлашда кўмаклашади. Кашшофлар ташкилотининг комсомол сайлаб қўйиладиган органларида вакиллигига кафолат берилади. Кашшофлар ташкилотида ишлаётган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари сайлаб қўйиладиган комсомол органлари таркибига, тегишли комсомол қўмиталари томонидан белгилаб қўйиладиган ўринлар бўйича ташкилотлар кенгашлари томонидан делегатлар юборадилар.

VI. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМФИРҚАСИ, БОШҚА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЮШМАЛАР

34. Ўзбекистон комсомоли ва Ўзбекистон Компфирқаси ташкилотларининг ҳамжиҳатлиги тенг ғоявий муштараклик ва сиёсий иттифоқ, мустақиллик, ўзаро ишонч, ҳурмат, қўллаб-қувватлаш асосига қурилади.

Ўзбекистон ЛКЁИ ўз Ҳаракатномавий ҳужжатини амалга ошириш учун Ўзбекистон ССЖ Конституциясига фаолияти ва мақсадлари зид бўлмаган бошқа ҳаракатлар ва уюшмалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бўлиш билан бир пайтда Комфирқа, бошқа демократик фирқалар, жамоат ташкилотлар ва уюшмалар аъзоси бўлган комсомол ходимлари, комсомол сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари комсомолдаги ўз фаолиятида Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатномавий ҳужжатига ва Уставига асосан иш юритадилар.

VII. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИНИНГ МУЛКИ ВА БЮДЖЕТИ

35. Ўзбекистон ЛКЁИ ўз фаолиятини моддий таъминлаш учун бинолар, иншоотлар, уй-жой жамғармаси, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, маданий-маърифий ва соғломлаштиришга мўлжалланган буюмлар, пул маблағлари, акциялар, бошқа қимматга эга бўлган қоғозлар ва бошқа мулкка эга бўлиши мумкин.

Бошланғич ташкилотлар (ёки уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари), ноҳия, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон жумҳурият комсомол ташкилотлари ўзларининг сайлаб қўйиладиган органлари тимсолида ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида ҳуқуқий шахс деб ҳисобланадилар ҳамда уларга хўжалик юритишга қуйи ва юқори органлар ажратган мулк ва маблағдан ташқари, уларнинг даражасида шаклланадиган Ўзбекистон ЛКЁИ мулкининг ўша қисмига эгалик қиладилар. Мабодо, Ўзбекистон ЛКЁИ таркибидан ташкилот ажралиб чиқиш ҳолати юз берса, мулк тўғрисидаги масалани ўзининг юқори сайлаб қўйиладиган органлари билан ҳал этади. Комсомол ташкилоти тугатиладиган тақдирда, мазкур ташкилотнинг олий органи (съезд, конференция ёки умумий йиғилиш) ва юқори орган Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракатномавий ҳужжати ва Устави томонидан назарда тутилган мақсадларни амалга оширувчи ва ҳуқуқий шахс бўлган мулк соҳибини белгилайди.

36. Комсомол ташкилотлари қонунларга мувофиқ тарзда корхоналар, ёшлар нашрларининг таҳририятлари, муассасалар, хўжалик ташкилотлари ташкил этишлари, мулкка эга бўлишлари, ташқи иқтисодий фаолият кўрсатишлари мумкин. Комсомол ташкилотларининг иқтисодий-хўжалик фаолияти аниқ ижтимоий ҳаракатномаларни, ёшлар ғояларини ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, комсомолнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш ҳамда хайрия мақсадларида амалга оширилади.

37. Ўзбекистон ЛКЁИнинг пул маблағлари аъзолик бадаллари, ихтиёрий бадаллар ва хайриялардан, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти тушумларидан, қонунчилик томонидан тақиқланмаган бошқа тушумлардан, шунингдек, Ўзбекистон ЛКЁИ фойдаланишига қаратилган марказлаштирилган маблағлардан тушади.

Ўзбекистон ЛКЁИ бюджети қуйидан юқорига қараб шаклланади.

Барча комсомол органлари ва назорат комиссиялари ҳар йили комсомолларни комсомол бюджетининг аҳволи, унинг тузилмаси ва маблағларни сарфлаш тўғрисида хабардор қилиб борадилар.

Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган тарзда комсомол қўмиталари ўз мулки ва маблағлари учун масъулдирлар.

38. Ойлик аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланади:

— ойига 100 сўмгача даромад оладиганлар — 0,5 фоиз;

— ойига 101 сўмдан 150 сўмгача даромад оладиганлар — 1,0 фоиз;

— ойига 150 сўмдан кўп даромад оладиганлар — 1,5 фоиз тўлайдилар.

Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси ўзининг бошланғич ташкилоти эҳтиёжи учун мазкур Уставда назарда тутилганидан кам бўлмаган бошқа миқдорларда аъзолик бадалларини тўлаши мумкин.

БЛКЁИ аъзолари — нафақа олмайдиган ўқувчилар ва талабалар фақат улар томонидан ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан аъзолик бадалларини тўлайдилар.

Ҳомиладорлик ёки фарзанд парвариш даврида даромади йўқ бўлган, шунингдек, ижтимоий суғурта жамғармасидан нафақа олмайдиган БЛКЁИ аъзолари бошланғич комсомол ташкилотининг қарори бўйича аъзолик бадалларини тўлашдан озод этилишлари мумкин.

Бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бўлган КПСС аъзолари комсомол бадалларини тўлашдан озод қилинадилар.

Жамоа аъзолари учун аъзолик бадалларининг ҳажми икки томонлама шартномада белгилаб берилади.

VIII. ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ — БЛКЁИ ФЕДЕРАЦИЯСИ СУБЪЕКТИ

39. Ўзбекистон комсомоли БЛКЁИга федерация субъекти сифатида киради. Ўзбекистон ЛКЁИ Уставининг БЛКЁИ Уставидан фарқ қилувчи қоидалари жумҳурият комсомоллари учун асосийдир. Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бир пайтнинг ўзида БЛКЁИ аъзоси ҳисобланади.

Комсомол аъзоси, БЛКЁИ федерациясининг бошқа субъекти аъзоси, Ўзбекистон ЛКЁИга ўтаётганда мазкур Уставда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар унга ҳам тааллуқли бўлади.

ССЖИ Қуролли Кучларида, ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитаси Сарҳад қўшинларида, ССЖИ Ички ишлар вазирлиги қўшинларида хизматни ўтаётган Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари БЛКЁИ Уставига, шунингдек, тегишли федерация субъектларининг норматив ҳужжатларига амал қиладилар.

Ўзбекистон ЛКЁИ БЛКЁИнинг федерацияси субъекти сифатида БЛКЁИ олий ва марказий сайлаб қўйиладиган органларида кафолатли вакиллиги орқали умумкомсомол масалаларини ҳал этишда қатнашади. Ўзбекистон ЛКЁИ ўз ҳаракатномавий мақсадларини бажариш учун БЛКЁИ федерациясининг бошқа субъектлари билан халқаро фаолиятни амалга оширишда мустақил шартномавий ҳамжиҳатликда бўлади.

40. Жумҳурият ҳудудида вақтинча ёки доимий жойлашган БЛКЁИ бошқа федерация субъектлари ташкилотларининг аъзолари Ўзбекистон ЛКЁИнинг барча босқичдаги сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайланишлари мумкин. Уларни сайлаш тартибларини сайлаб қўйиладиган тегишли комсомол органи белгилайди.

41. Ўзбекистон ЛКЁИ сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон ЛКЁИнинг БЛКЁИ таркибидан ажралиб чиқиш масаласи референдумга олиб чиқилади.

42. Ўзбекистон ЛКЁИ Устави мазкур боби Ўзбекистон ЛКЁИ съезди ёки Марказий Қўмита пленуми қарори билан қуйидаги холларда ўз кучини йўқотади ёки бошқа тарзда изоҳ қилиниши мумкин:

а) Ўзбекистон ЛКЁИнинг белгиланган тартибда БЛКЁИ таркибидан чиқиши;

б) БЛКЁИнинг ташкилий тузилиши принципларини ўзгариши ё БЛКЁИ съезди БЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленуми, Ўзбекистон ЛКЁИнинг ўз ваколатларини федерация субъекти сифатида амалга оширишга йўл қўймайдиган ўзгаришларни қабул қилиши.

* * *

Съездлар, пленумлар орасидаги даврда Ўзбекистон ЛКЁИ Устави қоидаларини тушунтириш ҳуқуқи комсомол Марказий Қўмитасига юклатилади. Баҳсли ҳолларда Устав нормаларини қўллаш тартиблари Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссиясининг биргаликдаги қарори билан белгилаб берилади. Ўзбекистон ЛКЁИ қароргоҳи — Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ҳалқ табобати

Ихлос—халос

Экстрасенслар ҳақида кўп ёзилди, ёзиляпти, ёзилади ҳам. Ёқлаб, ёмонлаб фикрлар билдирилди. Бироқ барча мақолаларга хос бўлган бир нарса — бу савиядир. Мана шу масалада ҳамма муаллифлар деярли бир хил. «Фалон жойда фалончи деган чиқибди. У мана бундай кароматлар кўрсатаётган экан». Биргина оҳанграбоси кучли бўлган кишилар ҳақида сўнгги ярим йилда матбуотда ўнлаб мақолалар чиқди, десам муболаға бўлмайди. Ҳаммасида бир хил воқеа — инсон қўлига турли буюмлар ёпишиб қолиши ҳикоя қилинади ва ҳаммаси деярли мана бундай тугайди: «Бу ҳодисага мутасадди ўртоқлар жиддий ёндашиб, ўрганишлари керак. Ахир қанча вақтдан бери ҳеч нарсага ишонмай келдик. Илоҳий кучни инкор этдик...» ва ҳоказо.

Гап орасида миллат равнақи, тил масаласи, манқурт бўлиб қолганимиз албатта эслаб ўтилади. Барининг сийқаси чиқиб, жонга тегиб кетди. Савол туғилади: наҳотки бир ҳодиса ҳақда ҳадеб ёзавериш шарт бўлса? Агар унинг турли жиҳатлари ўрганилса, ҳар сафар бошқа-бошқа қирралари ёритилса, бошқа гап. Қолаверса, ўша турғунлик деб аташаётган даврда ҳам имони бут одамлар кўпчилик эди. Улар ҳозир ҳам бор, кейин ҳам бўлаверади. Ҳаммани манқуртдан олиб, манқуртга солавериш адолатдан эмас. Бир одам: «Биз ибтидоий худосизликдан энди оммавий тарзда ҳеч нарсанинг тагига чуқур етишга интилмайдиган ибтидоий художўйликка ўтиб олдик», — деганда жуда ҳақ эди.

Бемор кишининг руҳиятини сўзсиз тушуниш лозим. Унга шифо топиб кетишига умид, ишонч зарур. Ундан бу умидни тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Экстрасенслар ҳақида яна ёзар эканман фақат шуни ўйладим: эҳтимол эшитган кишиларда умид пайдо бўлар, ҳақиқатан ҳам дардларига даъво топиб кетишар балки.

Экстрасенс Муҳаббат опа Иноятова. Олий малакали врач. 30 йиллик иш тажрибасига эга. Келинг, айтилган ортиқча сўзларни такрорлаб ўтирмай, гапни беморларнинг ўзидан эшитайлик. Суҳбатдошим уруш ветерани П. (беморлар ўз исмларини тўлиқ айтишга рози бўлишмаганлиги учун фақат бош ҳарфларини ёзяпмиз):

— Тўрт йилдан бери ҳиқичоқ тутади. Турли докторларга мурожаат этдим. Қилмаган давоим қолмади. Ҳеч фойдаси бўлмади. Бу ерга келгач ҳам тамоман тўхтади деёлмайман-у, ҳар ҳолда камайганга ўхшайди. Икки кун умуман бўлмади. Кейин яна бошланди. Муҳаббат Ҳидоятовна ҳали сеанс тугагани йўқ, деяптилар. Охиригача олишим керак экан.

Бемор Р. Л:

— Сариқ касалнинг асорати қолган. Ўт пуфагим яллиғланган. Кейин икки буйрагимда тош бор эди. Уч йил касалхоналарда даволандим. Буйрагимдан тош тушди. Муҳаббат опа ҳақида бир аёлдан эшитиб қолдим. Ички аъзосида шиш бор экан. 20 сеансдан кейин умуман йўқолиб кетибди. Буни эшитиб, мен ҳам опага учрашишга қарор қилдим. Ҳозир 19 сеанс олдим. Аҳволим яхши. Ўзгаришни аниқ сезяпман.

— Менинг қон босимим ошган, — дейди олтмишдан ошиб қолган аёл. — Баъзида 240/140 бўлиб кетади. Юрагим ҳам безовта қилади. Гоҳида тўхтаб-тўхтаб қолади. Белим ҳам оғрийди. Дўхтирлар остеохондроз дейишди. Касалхоналарга ётиб чиққанман. Нина санчтириб ҳам даволанганман. Фойдаси кам бўлган. Охири Муҳаббатхонга ҳам учрашишга қарор қилдим. Ҳозиргача 5 та сеанс олдим. Юрагим енгил, ўзимни яхши ҳис қиляпман

— Сизни нима безовта қилади? — сўрайман йўлакда навбат кутиб турган аёлдан.

— Юрагим. Ундан ташқари бошим ҳам айланиб оғрийди. Қўлларим увушиб қоларди. Ҳозир ўзимда қандайдир енгиллик сезяпман. Бошим оғримай қўйди. Муҳаббат Ҳидоятовна анча илгари неварамни даволаганлар. Кўкрагида шиш пайдо бўлганди. Операция қилдирдик. Кейин ўнг кўкрагида пайдо бўлди. Бироз вақт ўтгач чапида ҳам. Бу ерга келиб, ўн сеанс қабул қилганидан кейин шиш умуман изсиз йўқолиб кетди. Врачга учрашса, организмингиз ўзини-ўзи тузатибди, дебди.

Ёшгина жувон ўзини Сурхондарёдан деб таништирди. Онаси мия хасталигига чалинган экан.

— Кечқурунлари ухлай олмай чиқардилар. Овқат, айниқса, гўшт истеъмол қилолмасдилар Бошлари қаттиқ оғрирди. Юролмай қолганлар. Тўғри, ҳозир ҳам юраётганлари йўқ-ку, лекин бош оғриқлари тўхтади. Бемалол овқат еяптилар. Аҳволлари сезиларли даражада ўзгарди.

— Аксарият ҳолда беморда аниқ қўйилган диагноздан ташқари ҳам кўп хасталиклар бўлади, — дейди Муҳаббат опа. — Чунки инсон аъзолари бир-бири билан боғлиқдир. Бири ёмон ишласа, бошқаларига, албатта, таъсир қилади. Шунинг учун касаллик билан эмас, уни келтириб чиқараётган сабаблар билан курашиш керак. Кишининг руҳан тетикланиши, иштаҳа пайдо бўлиши соғайишининг биринчи белгиларидир. Чунки инсон барча аъзолари иши мувофиқлашганидан далолат беради. Сеансларим натижасида кишилар турли ерларда шиш пайдо бўлиши, организмда модда алмашинуви бузилиши, мияга қон қуйилиши натижасида қўл-оёқлар ишламай қолиши, нафас олиш йўллари шамоллаши, юрак-қон томир ва турли хил бошқа касалликларга даво топишмоқда...

Қизиққанлар учун Муҳаббат опа ишлаётган жойнинг манзилгоҳини келтирамиз: Чилонзор ноҳияси, Қизил Шарқ кўчаси, 22-уй.

Фурқат ТУРНИЁЗОВ.
«Ёш ленинчи» мухбири.

Обид НАЗИРОВ:
«САЛОМАТЛИК ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ»

Дилдан суҳбат



Обид Назировичнинг ўзи собиқ спортчи, эркин кураш бўйича ССЖИ спорт мастери. Кўпгина Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда қатнашган. Лекин бундай «беллашув»да биринчи бор иштирок этиши. Тўғриси, раис муштарийларнинг «ҳужум»ларидан шошиб қолмасмикан, деган хавотирда эдик. Ҳар ҳолда янги раҳбар.

Икки соатлик мулоқот давомида қўнғироқлар бир дақиқа ҳам тинмади. Бизнингча, жавоблар ҳам кўнгилдагидек бўлди...

— **Алло, ассалому алайкум, Обид Назирович. Ўзингизмисиз?**

— Худди шундай. Эшитаман.

— **Юсупов Ўринбойман. «Ўзбекистон» нашриётидан. Обид ака, ўзингиз миллий кураш бўйича мутахассис одамсиз. Сизнинг авлодингизда полвонлар ўтганми?**

— Ҳа, полвонлар бўлган. Бизнинг энг катта боболаримиздан бири Мусобулоқ деган киши ўтган. Кексалар эшитишган бўлса керак, номи чиққан полвон бўлганлар. Шу кишининг сулолаларидан кўпчилиги полвон. Шу жумладан мен ҳам эркин кураш бўйича ССЖИ спорт мастериман.

— **Иккинчи саволим, билишимча, сизнинг бешта ўғлингиз бор. Шулардан биронтаси бобоси ёки отаси изидан боришяптими?**

— Шукрки, биттаси эмас дўстим, учтаси кураш билан мунтазам шуғулланаяпти. Аммо ёшлигида бешови ҳам шуғулланган. Катта ўғлим эркин кураш бўйича спорт мастерлигига номзод. Иккинчи ва учинчиси ҳам шундай. Тўртинчиси самбо курашидан мастерликка номзод. Кенжасиям акалари изидан бораяпти.

— **Алло, «Дилдан суҳбат»ми?**

— Худди шундай.

— **Абдуқодиров Эркинман. Тошкент сув хўжалигини ирригациялаш олий билимгоҳи ходимиман. Шу «Юбилейний» деб номланган катта ҳашаматли спорт саройимиз бор. Лекин ҳозирги кунда шу бинонинг аҳволи менимча ачинарли. Ахир унга давлатнинг қанчалаб маблағи совурилган-ку?**

— Жуда ўринли саволни ўртага ташладингиз Эркинжон. Бу ҳақда биз ҳам анчадан бери шуғулланаяпмиз. Мана 1991 йилдан бошлаб 84-завод билан шартнома туздик, барча спорт турлари бўйича мусобақалар «Юбилейний»да ўтказила бошланади.

— **Нормуродовман (ўзини тўлиқ таништирмади). Ўзбекистонда бир пайтлар «Бинокор» деган хоккей командамиз бор эди. Унинг тақдири нима бўлди, умуман хоккейга бўлган муносабатингиз қандай?**

— Биласизми, хоккей бу бизнинг шароитимизга кўпам тўғри келавермайди. Шуни ҳисобга олиб, «Юбилейний» спорт саройини волейбол, қўл тўпи, баскетбол ва бошқа бир қанча турларга мослаштириш ниятимиз бор. Катта мусобақалар ўтказилади. Тўғри, агар Ўзбекистонда қиш 5-6 ойлаб давом этса экан, хоккейга мослаштирсак бўларди. Хоккейга қизиқсангиз, биздан номдор муз устида ўйнайдиган хоккейчи етишиб чиққанми? Йўқ. Бир пайтлар бўлган, лекин уларнинг аксарияти четдан келганлар эди-да. Яна фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлган бу команданинг. Шунинг учун кўпчилик билан маслаҳатлашиб «Бинокор»ни тарқатдик.

— **Алло, Обид Назировичми?**

— Эшитаман. Кимсиз?

— **Волошин Александр Николаевич. 36-жисмоний тарбия билимгоҳи ўқитувчиси. Соврин фондлари қандай тақсимланади?**

— Очиғи, бу масалага мен ижобий қарайман. Яхшиси, шаҳар спорт қўмитамиз раиси Усмонов билан маслаҳатлашамиз.

— **Чет элларда шу нарсага жуда эътибор катта...**

— Бундан хабарим бор. Жуда қизиқарли оммавий тадбир бу. Ўйлашиб кўрамиз. Таклифингиз маъқул.

— **Алло, Обид ака, ассалому алайкум.**

— Ваалайкум ассалом.

— **Тошкент шаҳар суди аъзоси Саидов Каримман.**

— Жуда яхши, қулоғим сизда Каримжон.

— **«ССЖИ 50 йиллиги» метроси олдида «Меҳнат резервлари» номли стадион қурилган. Шу жойни мендан кўра яхши биласиз, қандай аҳволдалигини? Билишимча, енгил атлетикачиларга мўлжалланган. Бир неча марта кирдим, қаровсиз ётибди...**

— Кечирасиз, энди сиздан ҳам сўрасам майлими?

— **Бажонидил.**

— Шу ерга қачон кирувдингиз?

— **Икки ойча бўлди-ёв.**

— Агар вақт топсангиз шу кунларда яна бир боринг. Қандай жиҳозлаганимизни кўрасиз. Худди шу айтган енгил атлетикачилар учун юмшоққина югуриш йўлкаси бўлади, шуларгача қўйдик. Бу биринчиси. Энди келаси йилдан бошлаб «Пахтакор» учун ўринбосарлар тайёрлайдиган команда тузиш ниятимиз бор, шу ерда. Худди шу команда иккинчи лигада қатнашади. Улар шуғулланадиган стадион «Меҳнат резервлари» бўлади. Шунингдек, яна футбол бўйича бошқа халқаро учрашувлар ҳам ўтказамиз. Бу иккинчиси, учинчиси, «Ташгипрогор»да жисмоний тарбия олий билимгоҳининг битта янги биносининг лойиҳаси тугади. Шу бинони ўша жойда қурамиз. Чунки талабалар учун янада қулайлик яратилади. Бемалол спорт билан шуғулланадилар.

— **Электр табло ўрнатиш масаласи-чи?**

— Бундай ускунани ўрнатиш ҳазилакам иш эмас. Бир ярим миллион сўм кетади.

— **Яна битта савол. Биласиз, мамлакатимизнинг катта-катта шаҳарларида йирик мусобақалар ўтказиш учун стадионлар қурилган. Лекин, у ёқларда негадир одамлар бундай жойларга кам боришади. Бизда-чи? Тошкентда яхши, аммо Наманганда янглишмасам 50 минг кишилик стадион бор. Шу ерда катта ўртоқлик учрашувлари ўтказсак халқимизнинг спортга, меҳнатга бўлган руҳини янада кўтарармидик дейман-да?**

— Ўзбекистонда «Интерсоюз»нинг биринчи филиали очилганидан хабарингиз бўлса керак. Бу халқаро ўйинларни бизнинг жумҳуриятимизда ҳам энди бемалол ўтказсак бўлади, деган. Ўз таклиф-мулоҳазаларимизни ССЖИ Давлат спорт қўмитамизга юбордик.

— **Тошкент вилояти «Меҳнат резервлари» жамияти раиси ўринбосари Уктам Турдиалиев: 1991 йилдан бошлаб «Меҳнат резервлари» жамияти жумҳурият бюджетига ўтса, вилоятлардаги шу жамият тасарруфидаги ташкилотларни ким маблағ билан таъминлайди?**

— Бу масала очиғи, ҳали узил-кесил ҳал бўлгани йўқ. Москвадагилар ҳам ўйлаб туришибди «нима қилсак экан» деб. Яқинда марказий кенгаш раиси Баравкин Ким Дмитриевич билан гаплашдим. Аниқ, жўялироқ гап ҳозирча айтмаяпти, лекин жумҳуриятга хат юбордик. Мабодо Иттифоқда ҳал бўлмаса, «Меҳнат резервлари»ни сақлаб қолишга ёрдам берсанглар деган мазмунда, деб айтди у. Мен ҳам майли хат келсин, уни Ҳукумат раҳбарияти билан муҳокама қиламиз, дедим.

— **Асрор Мўминов. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси тарғибот маркази ходими: Ўзбекистонда ҳам шахмат уйи бўладими?**

— Жуда ўринли масалани кўтардингиз. Хабарингиз бўлса, «Пахтакор» стадиони олдида шахмат клуби ишлаб турибди. Шу пайтгача мутахассисларнинг бирортаси бундай таклифни айтмаган. Фикрлашиб бирор қарорга келармиз.

— **Бажонидил. Раҳмат сизга.**

— Саломат бўлинг.

Кейинги савол муаллифини билолмадик.

— Алло, яхши эшитолмаяпман. Қаттиқроқ гапиринг. Ўзбекистонда футбол командасини миллийлаштириш ҳақида қандай ниятларингиз бор, дейсизми? Саволингизга жавоб қуйидагича:

Футбол мактабига қўшимча равишда учта янги майдон қурилди. 1991 йилда 150 та бола қабул қилмоқчимиз. Аста-секинлик билан миллий командани тузиб оламиз. Замини ҳозирдан яратиляпти.

— **Раҳматов Сайдулломан. Жумҳурият ички ишлар вазирлигида ҳуқуқшунос бўлиб ишлайман. Ашаддий футбол ишқибозиман.**

— Яшанг, бизга қандай саволингиз бор?

— **Мана, «Пахтакор»имиз олий лигага чиқиб, бизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўлди. Йигитларимиз жуда яхши ўйинлар кўрсатишди. Айниқса, тренеримизнинг бу ютуқда хизмати ниҳоятда катта бўлди. Новиковга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер унвони берилса...**

— Футбол мавсумининг тугаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Хабарингиз бўлса керак. Яқинда командани Президентимиз қабул қилди. Шу ой коллегия йиғилишида бу йилги мавсумга якун ясалади. Шунда балки у киши сиз айтган тизим қилинар.

— **Алло, Обид ака, эшитяпсизми?**

— Эшитяпман, ўзингизни таништирсангиз.

— **Ички ишлар вазирлигидан, Мирҳамедов.**

— Э, ҳозиргина ҳамкасбларингиздан бири билан гаплашиб турувдик. Спортнинг асл ишқибозлари сизлар эмассизлар-ку? Эшитаман.

— **«Пахтакор» командасини ҳимоячиси Мустафо Билолов қайтадими ё йўқми? Яхши ўйинчи эди-да.**

— Тўғри-ю, лекин энди қайтмайди.

— **Сабаби борми?...**

— Биринчидан, ёшига боғлиқ. Кейин биринчи лига ўйинлари талабаларига тўлиқ жавоб беролмайди. Ҳозир Бухорода ўйнаяпти.

— **Яна бир савол: Азамат ҳақида фикрингиз қандай? Ҳар ҳолда ўзимизники эди. Қайтиб келиш нияти йўқмикан?**

— Йўқ, у энди қайтмоқчимас. Чунки агар унинг «Пахтакор»да ўйнаш истаги бўлса кетмас эди. Уни ҳеч ким ҳайдаган йўқ. Ўзи кетди...

— **Наманган вилояти Уйчи ноҳиясидан Қобилжон Қодиров. «Навбаҳор» ва «Нефтяник» командалари 1991 йилдан бошлаб биринчи лигада ўйнайдиган бўлди. Лекин иккала команда ўйинчилари орасида маҳаллий миллат вакиллари...**

— Саволингизни тушундим. Биласизми, юқорида ҳам шундай саволни беришди. Тошкентдаги футбол мактаб-интернатини ихтисослаштиряпмиз. Самарқандда, Андижонда алоҳида бўлимлар очдик. Шулар миллий бўлимлар бўлади.

Хат орқали берилган савол: **«Ўзингизга маълумки, «Пахтакор» командаси 35 йил давомида иттифоқ биринчилигида қатнашиб келган. Лекин шу йиллар орасида ютуқларимиздан кўра мағлубиятларимиз келди-кетди-ю, асаббузарлик кўп бўлган. Ниҳоят 1990 йил омад келди. Умуман биз ҳам ўз миллий терма командамизга эга бўламизми ё йўқми?**

С. Абдуҳолиқов, ССЖИ спорт мастери, жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли саломатлик маркази врачи».

— Миллий терма командамизга эга бўламиз. Лекин қачон? Бу осон масала эмас. Ёки бир-икки йил ичида ҳал бўлмайди ҳам. Ҳозир бу борада иш олиб бориляпти.

— **Алло, Ғиждувондан безовта қилаяпман. Карим Ҳамроевман. Ўзбек қизлари орасида нега кейинги пайтда машҳур спортчилар етишиб чиқмаяпти, Бу нима эътиборсизликми, ё?**

— Йўқ, мен бу фикрингизга тўла қўшилмайман. Мана бир пайтлар айнан шу Бухородан Мажидова деган қизимиз енгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони бўлганди. Ҳали кашф этилмаган спортчилар бизнинг қизларимиз орасида жуда кўп. Албатта спортда ҳам юксалиш, пасайиш йиллари бўлади. Хатолар тузатиляпти, яқинда Қашқадарёда бўлдим, худди шу масала бўйича келишиб олдик, спорт мактабларига кўпроқ ўзимизнинг маҳаллий ўғил-қизларни қабул қилишни, машҳур спортчилар тарбиялашни режалаштираяпмиз.

— **Алло, Хотам Эшбоевман, ТошДД толиби.**

— Эшитаман, ука.

— **Обид Назирович, Андижонда бўлган тартибсизликдан хабарингиз бор. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси «Спартак» стадионига бормагани учун анча кўнгилсизликлар бўлди. Бунинг асосий айбдорлари ким эди?,**

— Биласиз, шундан олдинги «Факел» билан ўтган ўйинда ўйинчиларимиздан 6 таси жароҳат олган. Команда анча толиққанди. Бунинг устига «Пахтакор» клуби раҳбарлари команда билан келишмасдан, андижонликларни ишонтириб қўйишган. Айбдорлар тегишли жазоларини олишди.

— **Энди, «Спартак» командаси стадиони ҳақида. Бу йил қандай бўлади. Ўз майдонимизда ўйнаймизми ё нейтрал зонадами?**

— Бу масалани вилоят раҳбарлари билан гаплашамиз. Стадионни қайта тиклаш учун махсус қарор қабул қилиниб, пулларигача ажратилган.

ТАҲРИРИЯТ САВОЛИ: Шу вақтгача турли хил спорт тадбирлари ўтказиб келинган. Шуларга кетадиган харажатлар кимнинг ҳисобидан бўлади?

— Давлат ҳисобидан.

— **Агар бозор иқтисодиётига ўтсак-чи. У вақтдаям давлат ҳисобидан бўладими? Спорт соҳасидан давлат қандай фойда кўради?**

— Саломатликни ҳеч қачон пул билан ўлчаб бўлмайди. Мана хабарларинг бор, мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз Президентлари ҳам қайта-қайта таъкидлаб ўтишибди: Халқнинг сиҳат-саломатлиги учун ҳеч қачон пул қизғаниб юрмангиз. Чунки давлат ҳисобидан бу соҳага пул ажратилади. Лекин тўғри, футбол, «Спортлото» ўйинларидан тушадиган пуллар қаерга кетади, деб сўрасангиз, булар спорт иншоотлари учун сарфланадиган маблағлар.

— **Бошқа бир савол: «Ёш ленинчи» ҳузурида тузилган «Ёш ижодкор» футбол командаси ҳақида эшитганмисиз?**

— Албатта.

— **Биз асосан рўзномамиз муштарийлари билан юзма-юз учрашганда, байрамларда мезбон футболчилар билан ҳам майдонга тушамиз. Лекин катта қийинчиликлар бўлаяпти. Транспорт, бориш-келиш масаласи, мушкул. Бизнинг ўз маблағимиз йўқ. Келаси йилда ҳам шундай тадбирлар ўтказиш ниятимиз бор. Сизлар қандай ёрдам бера оласизлар?**

— Бу ҳақда ҳали биздан ёрдам сўрадингларми?

— **Ҳозирча йўқ.**

— Бемалол ёрдам берамиз. Бизнинг жойларда спорт бўлимларимиз бор. Улар кўмаклашишади.

— **Қўқондан безовта қилаяпман.**

— Ўзингизни таништиринг.

— **Исроилов Қаҳрамон. Мактаб ўқувчиси.**

— Қўқондан бўлсангиз Нўъмоннинг ўйинларини кўраяпсизми?

— **Жуда маъқул бўлаяпти. Кўз тегмасин.**

— Бир гал мен шу йигитдан сўрадим: «Орзуингиз нима?», деб «Спартак»да ўйнаш, деди у. Кейин айтдим. Бундай гапни қўйинг, ука. Яхши ўйнанглар, ўзимизнинг «Пахтакор» олий лигага чиқсин. Кейин ҳамма ният қилсин, биз ҳам Ҳасановга ўхшаб «Пахтакор»да ўйнайлик деб. Мавсум тугаган куни яна сўрадим: ҳалиям орзуингиз Москвада ўйнашми? десам уялиб ерга қаради-да, узр Обид ака, бекор айтган эканман, энди ҳеч қачон севимли командамдан кетмайман, деди. Новиковдан фойдаланамиз, ҳали қўйиб юбормаймиз.

— **«Пахтакор» стадионини жиҳозлаш қачон тугайди?**

— Қаҳрамонжон, деярли тугаб қолди. Янги йилнинг биринчи кварталида ҳамма ишлар тугайди. Энди кенгайтириш ҳақида ҳам гап бор.

— **Лотерея ўйини-чи? Яна ўйналадими?**

— Бу масала ҳам ҳал бўлаяпти. Ўйналади.

ТАҲРИРИЯТ САВОЛИ: Машҳур ўзбек спортчилари катта спорт билан хайрлашгач, уларнинг кейинги тақдири кўпчиликка номаълум бўлиб қолаяпти. Шулар билан қўмитанинг алоқаси қандай?

— Бизнинг халқимиз жуда кўп спортчилар етказиб берган. Қайси бирини айтайин, Хушвақт Рўзиқуловними, ё Руфат Рисқиев, Собир Рўзиевми, Сайфиддин... э булар кўп. Тўғри, қўмитамизнинг кўпгина хатоликлари ўтган. Шуларни ҳеч ким сўрамаган. Ҳозир эса уларнинг тажрибасидан фойдаланаяпмиз. Қаерга борсак, олиб борамиз.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ҳар бир йирик мусобақаларга шулар ҳакамлик қилишяпти.

— **Алло, Тошкентми?**

— Эшитяпмиз.

— **Наманганга жавоб беринглар.**

— Марҳамат.

— Алло, алоқачи қизим, саволни ўзингиз қайтаринг.

— **Биринчи лигага чиққан «Нефтяник» ва «Навбаҳор» командаларининг ўйини ойнаи жаҳонда олиб кўрсатиладими?**

— Албатта. Шу ҳақда раҳбарлар билан масалани ҳал қилаяпмиз. Кўрсатилади.

— **Алло, савол берсам майлими?**

— Марҳамат.

— **Давидов Рафаэль Михайлович. 159-трестда ишлаб чиқариш бўлими бошлиғиман.**

— Саволингиз.

— **Мени Тошкентдаги «Спартак» стадионининг тақдири қийнаяпти. Шу ҳақда ўқидим. Метро битгач қайта «таъмирланади» деб. Тўсатдан автостанцияга айланиб қолганини кўриб ҳайратга тушдим. Менимча, бу ерда буйруқбозлик ғалаба қилмадимикин?**

— Биласизми, шаҳар ҳокимлари шундай қарор чиқаришди.

— **Мен Хоразм вилояти, Гурлан ноҳиясиданман.**

(Афсуски бу савол муаллифининг ҳам исми-шарифини аниқ эшитолмадик).

— **Ўзбекистон спорт қўмитасининг бюджети бор. У нималарга, қандай сарф этилади?**

— Спорт Давлат қўмитасидаги пуллар асосан мусобақалар ўтказиш учун ажратилади. Кейин жумҳурият жисмоний тарбия олий билимгоҳи, 5 та интернат, 7 та олий мактабимиз бор. Шулар учун ажратилади. Касаба уюшмаси жамияти, «Узсовпроф»дан қишлоқларга маблағ ажратиш билан шуғулланади. Яна қишлоқларга вилоят, ноҳия ижроқўмлари бюджетидан маълум миқдорда пул берилади.

— **Кечирасиз яна бир нарсани сўрамоқчи эдим.**

— Марҳамат.

— **Бизнинг стадионимиз бор эди. Эски, кўримсиз бўлса ҳам. Мана, икки йил бўлди, уни бузиб ташлашганига. Бу ҳақда сизга бирон нарса маълумми?**

— Ҳа. Стадион қурилишини вилоят ижроқўми ўз режасига киритган. Бундан хабардорман. Стадион қурилиши деҳқончилик саноати ҳисобидан бўлади.

— **Раҳмат.**

— Саломат бўлинг, хайр.

Ўзаро мулоқот чоғида Обид ака журналистлардан илтимос қилди: вилоятларимизда яхши-яхши спортчилар етишиб чиқаяпти. Қишлоқ жойларида спорт қайси йўсинда ривожланаётганини шу рўзнома-ойномаларда ёритиб турсангиз, кейин яхши спортчиларимизнинг ўқиган мактаблари, уларнинг биринчи қадами қандай бошланганлиги ҳақида расмлари билан бирга мақолалар бериб турсанглар. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда катта ёрдам берган бўлардингизлар-да.

ТАҲРИРИЯТ САВОЛИ: Сиз мана жумҳурият спорт қўмитасининг раиси сифатида жуда яхши ишларни амалга ошираяпсиз. Бир пайтлари бизнинг миллий ўйинларимиз бор эди. Ота-боболаримиздан қолган миллий спорт турларини ривожлантиришда қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Бу соҳа бўйича бизнинг комиссиямиз бор. Хабарингиз бўлса бундан олти ойча муқаддам ўшаларни ҳаммасини мен телевидениега олиб чиққанман. Булар ўзи жуда катта тадбир ўтказиб, вилоят, ноҳия, қишлоқларигача етказиб боришди, ўша пайтларда қилинган ишлар бўйича телевидениега олиб келиб кўрсатдик. Ҳозир буларни ривожлантириш учун жуда катта ишлар қилишаяпти. Унутилиб кетган миллий ўйинларимизни тиклашмоқчи-да.

— **Биз, «Пахтакор»нинг ҳар бир ўйинини иложи борича ўз вақтида қизиқарли ёритишга ҳаракат қиламиз. Лекин биз журналистлар учун стадионда алоҳида жой ажратилмаган. Бизга қулайроқ жойдан ўриндиқлар ажратилишига ёрдам берсангиз.**

— Албатта, бу масалани ижобий ҳал қилиб берамиз. Чунки сиз — журналистлар бизларнинг асосий ишимизни ёритиб, халққа етказасизлар-ку!

— **Аҳмедовман, Ғиждувон ноҳияси спорт қўмитаси раиси. Ноҳиямизда 176 минг аҳоли бор. Маҳаллий бюджетдан бир йилда 4 минг сўм пул ажратилади. Бу пулга ҳеч иш қилиб бўлмайди. Шу ажратиладиган пул миқдорини ҳеч бўлмаганида 10 минг сўм қилиб белгилашда ёрдам беролмайсизми?**

— Яхши, бу масалани биз маслаҳатлашиб кўрамиз.

— **Иккинчи масала банкда ўз счётимизни очишга ёрдам берсангиз.**

Раис спорт Давлат қўмитаси бўлим бошлиғи В. Худойбергановга Аҳмедов илтимосларини ёзиб олишни айтди ва телефонни К. Худойбергановга берди.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, ўртоқ Аҳмедов. Биринчи қиладиган ишингиз ноҳияижроқўмнинг қарорини чиқариб, банкка беринг. Сизга ҳисоб счёти очиб беришади. Иккинчи масала 10-12 та спорт тури киритилган ва сиз ўтказадиган мусобақанинг смета-ҳужжат миқдорини тузиб чиқинг. Кейин смета варақасининг чап томонига келишилган деб вилоят спорт қўмитаси муҳрини бостирасиз. Ўнг томонига ноҳияижроқўмнинг раиси қўл қўяди.

— **Тошкентдан А. Ҳайдаровман. Қишлоқларда яшайдиган болалар, ёшлар орасида қобилиятлилар жуда кўп. Лекин эътиборсизлик, шарт-шароитларнинг йўқлиги туфайли уларнинг аксар қисми орзуларига етолмайди. Спорт Давлат қўмитаси бу борада қандай ишлар қилаяпти?**

— Вақтида бизнинг тренерларимиз кўпгина иқтидорли спротчиларни қидириб топишолмайди ва уларга эътибор беришмайди. Шунинг учун ҳам биз маориф вазирлиги билан биргаликда мактабларда қўшимча спорт мактаблари, шу мактаблар орқали қишлоқ ёшларига шароит яратиб бераяпмиз. Энди селекционерлар масаласига келганда мана бу йил кўплаб ишлар қилинди. (Футбол). «Пахтакор»га маҳаллий болаларни териб олишда уларнинг роли жуда катта. Улар командама-команда юриб, фақат жумҳуриятда эмас, шу билан бирга 2-лига командалари ичида бўлиб, шу ерлардан иқтидорли ўйинчиларни қидириб топишди.

Энди «Пахтакор»нинг олий, «Нефтяник» ва «Навбаҳор»нинг биринчи лигага чиқиши муносабати билан селекционерлар олдида жуда катта вазифалар турибди. Ҳар ноҳия ва вилоятда истеъдодли болаларни қидириб топиш энг асосийсидир.

— **Қишлоқларда ўқувчилар спорт билан шуғулланишлари учун шароит йўқ ёки етарли эмас. Улар орасида ҳам жисмоний тарбия олий билимгоҳига кирмоқчи бўлганлар кўп. Аммо имтиҳонлар пайтида шаҳар ва қишлоқдан келганларга бир хил талаб қўйилади. Бизнингча, бу масалада ўйлаб кўриш керакмикин?**

— Жисмоний тарбия олий билимгоҳи ҳақидаги саволингиз жуда ҳам тўғри. Ҳозирги кунда маориф вазирлиги билан биргаликда муаллимлик олий билимгоҳлар қошидаги жисмоний тарбия куллиётларига асосан қишлоқ ёшларини жалб қилишни асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Ундан ташқари мана бу йил Ўзбекистон жисмоний тарбия олий билимгоҳига қабулда ҳам қишлоқ ёшларига жуда катта эътибор бердик. Кейин 1991 йил биринчи бор Фарғонада жисмоний тарбия олий билимгоҳи филиали очилади.

ТАҲРИРИЯТДАН: Жисмоний тарбия ва спортнинг муаммолари кўп. Икки соатлик мулоқот жараёнида уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхталишнинг иложи йўқ, албатта. Шунингдек телефонлар мунтазам банд бўлганлиги сабабли суҳбатимизга қўшилолмай қолганлар ҳам оз эмас. Шу боис биз янги йилда жумҳурият спорти раҳбарлари, таниқли спортчилар, тренерлар билан ҳам «Дилдан суҳбат»лар ўтказиш ниятидамиз.

Мулоқотда қатнашган барча муштарийларга миннатдорчилик билдирамиз.

Мулоқотни «Ёш ленинчи» ва «Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномалари мухбирлари Норқобил ЖАЛИЛ ва Ҳайдар АКБАРлар ёзиб олишди.

Хорижлан хабарлар

АЛБАНИЯДА ТУРЛИ ПАРТИЯЛАР ТУЗИШГА РУХСАТ ЭТИЛДИ


БЕЛГРАД. (ТАСС мухбири Валерий Севрюков). Бундан буён Албанияда ўз фаолиятида амалдаги қонунларга риоя қиладиган турли сиёсий партиялар тузилиши мумкин. Бу ҳақда Албания Меҳнат партияси Марказий Қўмитасининг сешанба куни кечқурун бўлиб ўтган пленумида қарор қабул қилинди.

Пленум кадрлар масаласини ҳам кўриб чиқди. Беш киши Албания Меҳнат партияси Марказий Қўмитасининг сиёсий бюроси аъзолигидан ва икки киши Сиёсий бюро аъзолигига номзодликдан чиқарилди. ТАНЮГ агентлиги Тирана радиосига асосланиб шу ҳақда хабар қилар экан, лавозимидан олиб ташланган кишилар партиянинг «қаттиққўл бўлиши» тарафдорлари эканлигини, улар албан жамиятини демократиялашга тўсқинлик қилиб келганликларини таъкидлайди. Симон Стефан, Ленка Чуко, Мухо Аслани, Фото Чами, Хайредин Челику, Тирьяко Михали ва Пиро Конди лавозимларидан бўшатилдилар.

Пленум Албания ҳукуматида шунга мувофиқ равишда кадрларни ўзгартиришни талаб қилди.

Пленум иши Албания пойтахтида талабаларнинг оммавий ғалаёнлари шароитида ўтди, айрим ноҳияларда ғалаёнлар ҳали ҳам тингани йўқ. Мамлакатдаги ислоҳотларнинг мазмуни ва суръатидан ёшлар норози бўлишмоқда. Бир кун олдин Албания Меҳнат партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Р. Алия талабалар билан уларнинг талабига биноан учрашди. Улар сиёсий ва иқтисодий системадаги ўзгартишларни тезлаштиришни қатъий талаб қилдилар, талабаларнинг мустақил партиясини тузиш ниятида эканликларини айтдилар.

Пленумнинг ана шу воқеалардан кейин қабул қилган қарорини мамлакат аҳолиси хурсандчилик билан кутиб олди. Кечқурун Тирананинг марказида 8 мингга яқин одам тўпланди. Улар пленум иши натижаларидан қониққанликларини айтдилар.



Биз ҳам чавандоз бўламиз.

ДПА — ТАСС сурати.

Ранг-баранг олам

ПОЙТАХТ РАМЗИ

● КОПЕНГАГЕН портида ўрнатилган бронзадан қуйилган ёш сув париси аллақачон Дания пойтахтининг рамзига айланиб қолган. У қайғули кўзлари билан денгиз сатҳига тикилади. Шаҳар «ота»лари унга Испанияга кичкина саёҳат қилишга рухсат бермаганларидан кейин қайғурадида. Сув парисини 1992 йилда Севильяда бўладиган «Экспо—92» жаҳон кўргазмасининг ташкилотчилари Испанияга таклиф қилишган эди. Уларнинг фикрича, денгиз худосининг соҳибжамол қизи Дания павильонини безатиб туриши керак эди.

Копенгаген бургомистри Ларс Энгберг «Сув парисининг сафарга чиқиши» тўғрисидаги масала муҳокамасига якун ясаб, кўп гапирмади.: «миллий хазина дайди бўлмаслиги лозим». Балки, у ҳақдир. Чунки сув парисининг ҳаёти шусиз ҳам саргузаштларга жуда бой бўлган. Бу саргузаштларнинг баъзилари фожиа билан тугашига оз қолган.

Кристиан Андерсен эртакларининг кўпчилигида тилга олинган ушбу ҳайкални 1913 йилда ҳайкалтарош Эдвард Эриксен бронзадан ишлаган эди. 1964 йилда бу ҳайкал биринчи бахтсизликка дуч келди — ҳанузгача топилмаган жиноятчилар сув парисининг бошини арралаб олиб, ўғирлаб кетишган эди. Узоқ давом этган муолажа — бошнинг нусхаси қуйилиб, жойига маҳкамлаб қўйилганидан кейин сув париси яна портдаги ўз ўрнини эгаллади. Орадан йигирма йил ўтгач, ҳайкалнинг «жони»га яна қасд қилинди — тўғри, бу гал жиноятчилар унинг қўлини кесиб олиш билан чекландилар.

БИР КУРСДА ТЎРТ ЙИЛ

● ТАЛАБАЛАР ўқувхоналаридаги «ўлик жонлар»дан қандай қутилиш мумкин? — бу савол Лимада жойлашган Лотин Америкасидаги энг кўҳна Сан-Маркос дорилфунуни раҳбариятини жиддий ташвишга солмоқда. 45 минг талабанинг бешдан бир қисми мунтазам равишда машғулотларга келмайди, семестр охирида эса у ёки бу нарсани баҳона қилиб, зачётлар ва имтиҳонлар топширишдан ўзларини четга оладилар.

Перу олий ўқув юртларида амал қилувчи машғулотларга истаган пайтда бориш* ҳуқуқини очиқдан-очиқ суиистеъмол қилаётган дангасалар орасида ўз «чемпион»лари ҳам бор. Дорилфунун ректоратининг маълумотларига қараганда, бу ерда қарийб 3 мингга яқин киши 20 йилдан зиёд вақтдан буён талаба ҳисобланиб келинмоқда. Анчагина муросасоз қоидалардан фойдаланиб, улар ҳар йили ўз талабалик ҳужжатларини янгилаб оладилар.

Ректорат вужудга келган вазиятдан чиқиш учун бир курсда ўқиш учун рухсат бериладиган муддатни 4 йил билан чеклаб қўйиш керак, деб ҳисобламоқда.

Ранг-баранг олам

Хорижлан хабарлар

Ҳабибий таваллудининг юз йиллигига

ҒАЗАЛХОН ШОИР

Устоз шоирларимиздан Ҳабибийнинг юз йиллигини нишонламоқдамиз. Ҳар бир шоирнинг шундай юбилей пайтида адабиётимизда тутган ўрни, ижодининг аҳамияти ҳақида сўз кетади. Инқилобдан кейин Ҳабибий билан бирга, ундан бир оз кейинроқ адабиётга кириб келган, аруз вазнида ижод қилган шоирлар ҳозирги кунда орамизда йўқ. Уларнинг шеъриятимиз учун катта хизмати шундан иборат бўлдики, аруз анъаналарини давом эттириб, шеъриятимизнинг услубий бир йўналишини сақлаб қолдилар ва кейинги авлодга уни маънавий-ижодий мерос сифатида топширдилар. Ҳар қандай нарса ўтмишда қанчалар улуғланган, муваффақият қозонган бўлмасин, айни вақтда ўрни бўшаб қолган бўлса, табиийки, у биздан узоқлашиб, тушуниш ҳам қийинлашиб боради.

Ҳозирги кунда биз классик шеъриятимиз ва арузнинг жонли [illegible] тафтини туйиб, нафасини ҳис қилиб турган эканмиз, энг аввал марҳум отахон шоирларимиздан миннатдор бўлишимиз керак. Маълумки, бу шоирларнинг кўпчилиги Фарғона водийсидан бўлиб, уларнинг забардаст қисми Андижоннинг ўзидан эди. Мажҳурий, Анисий, Бисмил, Улфатий, Сайфий, Боқир каби шоирлар Андижондаги адабий муҳитнинг асосий қисмини ташкил этардилар. Кейинчалик уларнинг сафига Азимий (Ҳайитбой Азимов) қўшилди. Ҳар бири алоҳида ижодий фазилатга эга эканликларини қолдирган мерослари тасдиқлаб турибди. Шоир Мажҳурийнинг ўтмиш шоирлари ғазалларига боғланган мухаммаслари ўзининг етуклиги билан шуҳрат қозонган. Улфатий домла билан қилган суҳбатларимиздан бирида, Мажҳурий мухаммас (тахмис) боғлашга шундай уста эдики, чокини топиб бўлмасди. Исми Муҳаммадхон бўлса ҳам, ошна-оғайнилар уни [illegible] Анисий нозик табъ шоир бўлиши билан бирга, форс адабиётининг улкан билимдони бўлган. Бадриддин Чоч асарларини таржима қилган.

Ҳабибий ана шу муҳитда тарбияланди, бирига шогирд, бирига устоз бўлиб, ғазалхон шоир сифатида танилди, ўзининг ижоди билан эл қалбидан жой олди. Унинг ғазаллари билан айтилувчи қўшиқ ва ашулалар бизга кўпинча ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Ундан бизга ўнлаб ортиқ шеърий китоб қолди, шунингдек, умрининг сўнгги йилларида арузий ижодини [illegible] ни ва бу баҳрларнинг исмлари билан «Девон» тузди. Ҳабибий ҳассос шоир бўлиш билан бирга, ўтмиш меросимизни чуқур ўрганган, кенг билимга эга адабиёт билимдони ҳам эди. Шунинг учун у 1938 йили тузилган Навоий ижодини ўрганиш Кўмитасига таклиф қилинди. Шоирнинг ўзи автобиографиясида бу ҳақда шундай ёзади: «Устоз Алишер Навоий 500 йиллик тўйи бўлиши муносабати билан бутун асарларининг турли нусхаларини топиб, бир-бирларига солиштириб чиқиш учун 1938 йили Тошкент Кўмитаси тузилди, шу Кўмитага катта олим бўлмасам ҳам, [illegible] керак бўлиб, Андижондан беш кишини таклиф қилдилар. Бу [illegible] таклифга шоир Мажҳурий, Улфатий ва Анисийлар билан камина ҳам келиб шу [illegible] хизматида иштирок этдим...».

Бу кўмитада ишлаш билан шоир [illegible] ишга ўз улушини қўшган бўлса, иккинчи томондан унинг ўзи, ижодий камолоти учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳабибий ғазал, таржеъбанд, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, рубоий, туюқ, маснавий каби анъанавий жанрларда ижод қилди. «Замонамиз Фарҳодлари» достонини яратди. Ғазаллар шоир ижодининг катта қисмини эгаллайди. Шоирнинг мавзу кўлами кенг ва ранг-баранг. Фалсафий-дидактик ғазалларида [illegible] кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган донишманднинг сўзларини тинглаймиз, ижтимоий-сиёсий ғазалларда эл-юрт қайғусини ўз юрагига [illegible], унинг қувончларидан шодланадиган юртдошнинг овозини эшитамиз, ишқий ғазалларда эса ҳижрону айрилиқда маъюс, лекин умидвор, висолда масрур ошиқнинг кайфиятига [illegible]. Қайси мавзуга қўл урмасин, Ҳабибий пишиқ, пухта сатрлар битган. Шоирнинг

Донаи шатранж эрур инсон жаҳон майдонида,
Юрса фикр этмай бўлур беш-ўн қадамда кишту мот.

мисралари ҳозирги кун учун ҳам ғоятда аҳамиятли.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, унинг ижтимоий-сиёсий мавзудаги ғазаллари бир хил савияда эмас. Тўғриси, уларнинг аксарияти [illegible] замон зайлига қараб, баъзан буюртма билан ёзилганлиги сезилиб туради. [illegible] Шоирнинг етук, баркамол ғазаллари ишқий мавзуда битилган. Шу боис, унинг ижодида [illegible], бадиий маҳорати, ўзига хослиги ҳақида гапирганда, шу мавзудаги ғазалларга мурожаат қилиш керак, деб ўйлаймиз.

Ишқий ғазалларда Ҳабибийнинг Навоий, Фузулий, Фурқат, Муқимийга эргашганлиги сезилиб туради. Аммо бу эргашиш асло тақлидчиликка боғланмаслик керак. Устоз [illegible] ғояларга замон руҳини сингдира олади, анъанавий образларга мазмун жой қилганда ҳам, бу образларга янгича маъно ва ўзгача талқин беришга интилади. Ғазалларда ўқувчи дунёга янги кўз билан қаровчи замондошимизнинг, шунингдек, юксак ахлоқ, пок маънавиятга эга Шарқ кишисининг қиёфасини кўради. [illegible] сатрлар, [illegible] мисралар одамда завқ уйғотади, уларда ёшлик нафаси уфуриб туради. Ғазаллардаги бадиийликка йўғрилган соддалик, сўз қўллашдаги эркинлик, бемалоллик бизни ўзига ром этади. Шоирнинг бадиий маҳорати ҳақида сўз кетганда, унинг бир қирраси диққатимизни жалб этади. У ҳам бўлса, Ҳабибий ғазалларида тажнис санъатининг қўлланиши. Маълумки, тажнис бу жинсдошлик деган маънони билдиради, икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг шаклдошлигидир.

Ҳар бир шоирда ҳам тажнис санъатини топиш, [illegible] шоир шеърларидан тутган ўрнини изоҳлаш мумкин. Лекин Ҳабибийнинг [illegible]

«Хушёр ёр» номли ғазалидан:

Бормикан оламда сендек дилкашу хушёр ёр,
Риштаи жон зулфинг ичра бўлгали хуштор тор.
Сайр этиб кирсанг дамо-дам раста-раста гулларни,
Йўл уза баргни пайҳоз этгали гулзор зор.
Интизорингман кўзим нури тўкилмасдан бурун,
Раҳм этиб кулбамга йўлаб лоақал бир бор бор.

Бу ғазаллар бошдан оёқ қўш тажнисли қофия асосига қурилган. Баъзида анъанавий жанрлар қатъий вазн, қофия талаблари билан ижодкорни «сиқиб» қўяди, деб даъво қилишади. Лекин бадиий маҳорати юксак, вазн сирларини мукаммал ўзлаштирган шоирлар ҳеч қачон «сиқилиб» қолмайдилар, ўз шеърлари орқали [illegible] имкониятларини очиб бера оладилар. Ҳабибий эса [illegible]

ҳисса «бажаради». Ҳабибийнинг маҳоратини шунда кўрамизки, биринчидан, байтларда қўш тажнисли қофиянинг қўлланилиши [illegible] тил қоидалари ва на шаклга путур етказган, аксинча, ғазалларнинг тили содда ва равон, шакли мазмунга мос тушади; [illegible]

[illegible] келтирилганларини мисолда [illegible] тажнисли қофия иштиқоқ санъати орқали ҳосил қилинади. Иштиқоқ шундай шеърий санъатки, байтда аввал бир сўз берилиб, кейин унга сўз ясовчи қўшимчалар қўшиб, яна такрорланади:

Ҳажр ила афсус этиб бармоқларимни тишладим,
Битди сабрим энди тоқат борича тиш тишладим.

Шунингдек, бу байтлар Ҳабибий шеъриятининг халқ тилига яқинлиги, унинг [illegible] топқирлиги, юморга мойиллигидан ҳам гувоҳлик беради.

Ҳабибий ижодининг яққол кўринган [illegible] шовқин-суронлари, колхозлаштиришнинг зўравонликлари, урушдан олдинги ва кейинги қатағон, ундан кейинги турғунлик даври — ҳаммаҳаммаси шоирнинг кўз ўнгида ўтди.

Ҳабибийнинг шахсий ва ижод қисмати унга тенгдош ва замондош шоирлар қисмати каби кечди. Эркин Воҳидовнинг «Шоиру шеъру шуур» китобида Ғафур Ғулом ҳақида шундай сўзлар бор: «Ғафур Ғулом кўнглидаги гапларнинг ҳаммасини қоғозга туширмай кетган шоирлардан... сўнгра шоир яшаган кўпроқ ёруғ томонларини куйлаш, ҳатто уни бўяб кўрсатиш тенденцияси ҳукмрон бўлган пайт эди. Шоирнинг юраги дардли бўлганига ҳеч шубҳа йўқ. Бу дард унинг кўзлари тубида ётарди... Аммо такрорланмас истеъдод шуъласи кўпроқ байрам қасидаларига, тантанали шеърий мактубларга тўкилади». Бу сатрларни ўша даврда яшаган истеъдодли қатор шоирларга, жумладан, Ҳабибийга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Абдулла Ориповнинг «Эҳтиёж фарзанди» китобида айтилганидек, шоир қўлига қалам олар экан; ёзган нарсаси эртага унинг бошига нималар келтиришини ўйлашга мажбур эди. Шу туфайли у замон билан келишишга, сохта бахтиёрликни, ёлғон фаровонликни куйлашга мажбур эди. Лекин шоирнинг ижтимоий-сиёсий лирикаси фақат ана шундай ғазаллардан иборат десак, хато қиламиз. Унда айрим ғазаллар, байтлар борки, улардан адиб юрагидаги дард, ички исён учқунларини кузатишимиз мумкин.

«Ҳамдам йўқ» номли ғазал 20-йилларда ёзилган. Бу йилларда Қизил Армиянинг Туркистонда Шўро тузумини ўрнатиш баҳонаси билан юрт ўғлонлари, эрк ва мустақиллик фидоийларининг қирғин қилганлиги, [illegible] Фарғона водийсида бўлган эди. Бу воқеалар Андижонда яшаган Ҳабибий [illegible] олдида кечган. Ғазалда бу яққол акс этиб туради:

Ширин жонимдан ўзга бир вафолик ёр ҳамдам йўқ,
Яна бу хаста кўнглимга бўлак сиримга маҳрам йўқ.
Ҳаётим ичра кўрдим турли даҳшатли ҳаводислар,
Жаҳон ғамхонасида хилма-хил мен чекмаган ғам йўқ.

Буларнинг барчаси шоир қалбига чексиз ғам-андуҳ солади. У ўзига ғамкаш излаб тополмайди, кимгаки ғамларини айтса, у ўзидан ҳам ғамкинроқ бўлиб чиқади. Шу руҳдаги «Шаробат йўқ» ғазали 50-йиллар [illegible] шида ёзилган. Бир қарашда ғазал майпарастлик, ичкиликбозликка қарши, бу иллатга нафрат уйғотиш учун ёзилгандай туюлади. Лекин синчковлик билан текширилса, бутунлай бошқа манзара намоён бўлади. Ғазалнинг бешинчи байтида Хайём тилга олинган. Юзаки қараганда гўё Ҳабибий, Хайём кам-кам ва пинҳон ич, деган деб таъкидлаётгандай туюлади. Лекин Хайёмни эслашдан мақсад бутунлай бошқа. Маълумки, буюк рубоийнависда май — ҳаётнинг рамзий образи сифатида талқин қилинган. Худди шу нуқтаи назардан ғазалнинг мақтаъсини ўқийлик:

Ҳабибий, кўп ширин турмушни
талх этди бу аччиқ май,
Тириклик шулми охир, заҳри қотил
бу, ҳоловат йўқ.

Энди тушунчамизда бир нима ўзгарадими? Шоир ўзи яшаган ҳаётни, тирикликни заҳри қотилга тенглаштиришгача боради! Шунингдек, ғазалдаги «Юракни эзгани бундан аламлироқ жароҳат йўқ», «Замон луқмонларида халқ учун ё меҳру шафқат йўқ», «Муҳаббат халқ учун тилда бўлур, дилда садоқат йўқ» мисралари унинг юрагида яширинган дардларнинг, замонга, тузумга нисбатан нафратининг ифодаси деб ўйлаймиз.

Кўринадики, Ҳабибий фақат бахтли ҳаётимиз куйчисигина эмас экан. Баъзида менга унинг мадҳу мақтовларида ҳам киноя, истеҳзо бордай туюлади. Яна ким билади, дейсиз. Шу кунгача биз шоир ижодининг зоҳирий кўринишларига қараб ҳукм чиқариб келдик, энди унинг ботинига назар ташлашнинг вақти етди, деб ўйлайман.

Валижон ҚОДИРОВ.

ТВ

15 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

● **ЎзТВ I**

8.0 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

9.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ҳур қиз». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 10.25 Шарқона яккама-якка кураш турлари. У-шу сабоқлари. 11.00 Камер куйларидан концерт. 11.30 «Деҳқон ва замин».

Тижорат кўрсатувлари

12.00 «Деновликлар». 13.00 «Андижонча тадбиркорлик».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Узунқулоқ дўстим». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Дилафрўз Жаббарова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ўзбек куйларидан концерт. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Қайта тергов». Бадиий фильм («Ленфильм»). 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 А. Чхаидзе. «Авлодлар». Телевизион спектакль. 3-қисм. 10.45 «Парвозлар даври». Бадиий фильм. 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Наврўз-90». «Петраркахонлик». Қирғизистон академик драма театрининг спектакли. 19.00 «Янгиликлар». 19.20 «Лабиринт». 20.00 «Шеърият кечаси». Асқар Ҳаким. 20.30 «Ахбор». 20.50 «Гулчин». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Б. Кимёгаров фильмлари. «Рустам ва Суҳроб».

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 «Сиз яратган боғ». 9.30 «Олтин хўрозча ҳақида эртак». Мультфильм. 10.00 «Партнёр». 10.30 «Мусаввир С. Алибеков». 11.05 «Ҳайвонот оламида». 12.05 «Прогноз». 12.35 «Иллюзион-аттракцион». 12.55 Режиссёр И. Селезнёва фильмлари. «Анна Петровна». 1 ва 2-сериялар («Экран»). 15.10 «XX аср: ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. «Қасамига хиёнат қилганлар». Бадиий-публицистик фильм премьераси (М. Горький номли киностудия). 16.30 И. С. Тургенев. «Муму». Ленинград академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси. 18.15 Ф. Лист. Венгерча 6-рапсодия. Халқаро танлов совриндори В. Бакк ижро этади (фортепьяно). 18.25 «Халқаро панорама». 19.10 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Ҳар қандай оби ҳавода ҳам матч ўтказилади». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Рига киностудияси). 21.10 ССЖИ ҳукуматида. 21.30 «Вақт». 22.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.15 «Оҳ, джаз». Телевизион мусиқий спектакль премьераси. 23.20 «ТСН». 23.35 «Бугунги куннинг янги модели». Профессионал манекенчиларнинг танлови.

● **МТ II**

8.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.50 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Финишдан сўнг» (Минск). 9.10 «Танишинг: Теймураз Мурванидзе». 9.30 «Шахсий коллекциялар музейи». Одессадан кўрсатилади. 9.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 10.15 И. Бунин. Ҳикоялар. ССЖИ халқ артисти И. Соловьев ўқийди. 10.40 Халқ қўшиқлари гулдастаси. Свердловскдан кўрсатилади. 10.55 Коллаж. 11.00 «Оила». Телепрограмма. 12.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кўргазмада». 20.15 «Биз яшаётган олам». Кинодраматург Б. Добродеев фильмлари. «Испаниянинг ташвишли осмони» (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси). 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 22.30 Муаллифлик телевидениеси. «Телескоп».

Тунги сеанс

24.00 «Ясь ва Янина». Телевизион бадиий фильм («Беларусьфильм»).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ОЁҚ ОСТИ ЧОҲ

ССЖИ Мудофаа вазири, Совет Иттифоқи маршали Д. Т. Язовга Балиқчи ноҳияси фирқа қўмитаси биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Б. Раҳмоновнинг мактуби

ОҒИР, ЖУДА ОҒИР. Фарзанд доғида куйиб кул бўлган онанинг, қадди дол бўлган отанинг кўзларига қараш оғир. Ҳар қандай тошбағирлар ҳам юмшайди, киприкларга ёш илинади. Алп келбатли ўғлонини кутган хонадонга совуқ тобут кириб келса, тўйга атаб йиғилган саруполар қаро кунга яраса, карнай-сурнай чалиниши ўрнига аза бўлса юрагингизда оғриқ турадими? Шубҳасиз кўнгилдаги армон, азоб туғёнга айланади. Бегижон Раҳмонов ноҳия раҳбари бўлгани учунгина эмас, одамлар дарди, ташвишига шерик бўлгани учун ҳам кўнгли ярим, жабрдийдалар билан бирга куйинади. Азоб чекади. У минглаб жабрдийдалар, аламзадалар номидан мактуб битди:

«Қўлга қалам олиб ёзишга мажбур қилган нарса виждоним амридир. Мен шу йилнинг кейинги тўрт ойи мобайнида армиядан ўлиб, «темир тобут»ларда олиб келинган уч йигитнинг мотам маросимида қатнашдим. Минг афсуслар бўлсинки, бу тушимда эмас, кўз ўнгимда содир бўлган воқеадир. Уларнинг сони (ўлганларнинг) 1985 йилдан 1990 йилнинг шу кунига қадар 8 нафарни ташкил этади.

Мен Совет Армияси сафида хизмат қилганман. Оддий аскарликдан катта сержант унвонига етганман. Ҳозир эса захирадаги капитанман. Армия мен учун бир катта мактаб бўлганлиги рост. Фирқа сафига ҳам армияда ўтганман. Лекин у даврда қўмондон Жуков, Малиновскийлар эди. Қисм командирлари эса аскар йигитни ўз фарзандидан зиёд билардилар ва тарбиялардилар.

Кейинги пайтларда ҳарбийдан келаётган темир тобутлар юракларни қон, дилни вайрон қиляпти. Суюкли ўғли хизматдан қайтса уйлантириш учун ота-она томонидан йиғилган тўй саруполари тўйга эмас, азага буюраяпти. Нималар бўляпти ўзи!! Ваҳшийликми ёки сотқинлик!! Наҳотки армияда тартиб-интизом ўрнатиб бўлмаса! Наҳотки армияда аскарнинг сонини эмас, сифатини яхшилаб, унинг қудратини ошириб бўлмаса!!

Ҳар қайси тузум, давлат армиясиз бўлган эмас. Армия халқ посбони. Армиясиз Ватан тинчлиги ва осойишталигини тасаввур қилиш мумкин эмас. Бироқ армия лашкарбошиси доно бўлиши керак. У Суворовга ўхшаб пичан устида аскар ёнида ётиб, юлдуз санамасин ёки Жуковдек окопда югурмасин. Аммо у аскар ҳаётидан ҳеч бўлмаганда яхши хабардор бўлсин. Мен ўртоқ Д. Т. Язовни шу ишларни қилаётганлигига шубҳа билан қараш эмас, балки унга ишонгим келади...

Бутун бошли Афғонистон урушида Балиқчи ноҳиясидан 7 нафар 18 ёшга тўлиб-тўлмаган аскар йигит ўлиб қайтди. Тинчлик даврида ўз иттифоқимизда хизматга чақирилганлардан юқорида айтганимдек, 8 нафари ўлиб қайтди. Бундан ортиқ бедодлик бўлмаса керак. Наҳотки, ҳеч бўлмаганда жумҳурият ва Иттифоқда ўлиб қайтган йигитларнинг руҳи ҳаққи-ҳурмати уларнинг ота-оналарига таъзия изҳор қилиб, ўша ўлган йигитлар хизмат қилган ҳарбий қисмларнинг ноқобил командирларини жазолаб, натижасини матбуот орқали халқ оммасига айтиб бўлмайди. Сиз ўз набирангизни (мен уни Сизга ҳам раво кўрмас эдим) ўша темир тобутда уйингизга кўтариб келишини тасаввур қила оласизми! Менимча, илгингиз қалтираб, даҳшатга тушсангиз керак.

Минг бор узр сўрайман, бу қўпол сўзларим учун. Чунки бу гап-сўзларни ёзмасликка оналар доди, оталар фарёди йўл қўймаяпти.

Мен ўлган йигитларнинг руҳи ҳаққи ҳурмати, шонли армиянинг бундан кейинги равнақи ва қудрати учун курашасиз деган умиддаман.

Бегижон РАҲМОНОВ, 1967 йилдан фирқа аъзосиман. Фирқа билетим № 12193812...».

...Аччиқ, аламли сўзлар. Аммо юракдан айтилган гаплар. Жигар-бағри хун бўлган ота-оналарнинг, ўн гулидан бир гули очилмай бевақт кетганларнинг доди бу. Фарзандини ҳарбийга жўнатиб юрак олдириб қўйган, безовта кўнгилларнинг сўрови бу. Эшикнинг ногаҳон тақиллашидан дилдираб турганларнинг талаби бу.

Зуҳриддин Бозоров, Козимжон Мўминов, Умиджон Мирзаев, Абдурашид Нозимов, Исломжон Мансуров, Рустамбек Содиқов, Шуҳратбек Ҳошимов... Эрта ҳазон бўлган балиқчилик ёшлар булар. Шуниси ачинарлики, уларнинг ўлими ҳақида аниқ бир хулоса йўқ. Ўлим сабаблари далилли эмас. Шу боис ҳам оналар кўнгли безовта. Ахир ишонтира олинмаган нарсага гумон орта бориши сир эмас. Эътибор беринга: Шуҳратбек Ҳошимов ўлими ҳақидаги маълумотда шундай дейилган: «Оддий аскар Ш. Ҳошимов 1988 йил 8 май куни номаълум сабаб билан ҳалок бўлган». Нега? Унинг уйида кўнгилсиз ҳол бўлмаган. Афсуски, қанча ўйламанг, бош қотирманг саволга жавоб топа олмайсиз. Беихтиёр дилингизда шубҳа уйғонади.

Ниҳоят Совет Иттифоқи маршали жавоб хати ёзди:

«Ҳурматли ўртоқ Раҳмонов! Сизнинг мактубингизни диққат билан ўқидим. Армия ва Флотда одамларнинг ҳалок бўлишаётгани мени ҳам, ССЖИ Мудофаа вазирлиги раҳбариятини ҳам ташвишлантирмоқда. Унинг олдини олиш учун марказда ҳам, шунингдек жангчилар орасида ҳам катта эътибор бериляпти. Кейинги беш йил ичида ССЖИ Қуролли Кучларида жиноят ва турли бахтсиз ҳодисалар туфайли бўладиган йўқотишлар 25 фоиз камайди, аммо ҳарбий хизматчиларнинг ҳалокатини тамомила йўқотишга эришилгани йўқ. Унинг сабаблари ССЖИ Мудофаа вазирлигига эмас, балки турли объектив ҳолатларга боғлиқдир. Ҳарбий хизматнинг ўзи, унинг жанговарлик фаолиятининг ўзига хослиги ҳам ҳарбий хизматчилар ҳаёти учун хавфлидир.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ССЖдан чақирилаётган ёшларнинг кўпчилиги умумий ва техник тайёргарлиги бўш, рус тилини яхши билмайди. Бу эса ўз навбатида уларга ҳарбий мутахассисликни эгаллашларига қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун улар ҳарбий қурол ва техникани эгаллашда бошқа ҳарбий хизматчилардан ортда қолишади. Буларнинг ҳаммаси ҳалокатсиз ишларига тўсқинлик қилади.

Кўпинча болаларга хос лоқайдлик, ҳушёрликни йўқотиш, техника хавфсизлигига етарли амал қилмаслик ҳам ҳалокатга олиб келади. Масалан, сиз рўйхатини келтирган ўзбек жангчиларининг ярми ўзларининг эҳтиётсизликлари ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари туфайли ҳалок бўлишган.

Кишиларнинг аянчли ўлимига, шунингдек, мураккаб умумий ижтимоий-сиёсий ҳолат ҳам сабаб бўлаётир. Фақат сизнинг ноҳиянгизда 1987-1989 йилларда, Ўзбекистон ССЖ соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига биноан турли жиноят ва бахтсиз тасодифлар туфайли 100 га яқин киши ҳалок бўлган.

Бу ўткир муаммонинг ечимини мен бир-биримизга айб қўйишда эмас, ҳар биримиз ўз ўрнимизда шўро кишиларининг ҳаётини сақлаш учун биргаликда, бир мақсадда курашишда деб биламан.

СССР Мудофаа вазири, Совет Иттифоқи маршали Д. ЯЗОВ».

МУХБИР ШАРҲИ: Биз узоқ йиллар мобайнида темирдан мустаҳкам ҳисоблаб келган армиямиз ҳозир нақадар боши берк кўчага кириб бораётганлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Зўравонлик, адолатсизлик ҳукм суриб келган муҳитда бундай ҳол юз бериши муқаррар. Шубҳасиз, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида катта ўзгариш ясаётган қайта қуриш шамоли Қуролли Кучларимиз сафларига ҳам кириб боради.

Безовта кўнгилларга бироз бўлсада, таскин бўладиган ютуққа эришдик. Ўзбекистон Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақириш ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони орзиқиб кутилган режа бўлди. «Жумҳурият йигитларини Ўзбекистон ССЖдан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақириш тўхтатилсин» дейилган сўзлар юракларга малҳам бўлди.

Аммо Совет Иттифоқи маршали Д. Т. Язовнинг мактубини ўқий туриб хаёлга чўмасиз. «Ўзбекистон ССЖдан чақирилаётган ёшларнинг кўпчилиги умумий ва техник тайёргарлиги бўш, рус тилини яхши билмайди» каби жумлалар ўйлантириб қўйди. Ахир бизда бу муаммоларни ҳал этиш учун тўла моддий техник манба йўқ. Айрим мактабларимизда машғулот майдонлари у ёқда турсин, билим масканларининг ўзи хароб аҳволда. Жумҳуриятда 2 мингга яқин мактаб ночор ҳолатида. Демак «рус тилини яхши ўзлаштирмаган, техник тайёргарлиги бўш» йигитларимиз ҳолига вой экан-да. Масалани бошқачароқ қўймаса бўлмайди. Ана шундай қобилиятга эга бўлмаган йигитларни ҳарбий қисмларга юборишни қатъиян тўхтатиш зарур. Акс ҳолда яна баҳоналардан тоғлар тикланаверилади. Нуноқ йигитларимиз ўлиб келаверади.

Куни кеча Андижондаги мухбирлар нуқтасига Ҳамдам ака Ҳожибоев ўғли Марибжон Ҳожибоев билан кириб келди. Марибжонни Ашхобод яқинидаги ҳарбий қисмлардан бирида «қариялар» обдон калтаклашибди. У жиддий жароҳат олгач, ҳарбий шифохонага ётқизилган. Аммо у ерда ҳам етарли эътибор берилмагач жон сақлаш умидида қочиб келибди. Унинг қўлида суратлар. Ишонгингиз келмайди. Янги ҳарбий хизматга чақирилганларининг кўпига ҳатто этни ҳам беришмабди. Камситиш, хўрлаш шунчалик бўларда. Инсон темир иродали бўлса ҳам қачондир «портлайди-ку». Айтмоқчимизки, Қуролли Кучларимиз ўз сафларида қайта қуришни жадаллаштирмас экан тартиб бўлиши гумон. Армиямиз энг аввало аскарларни кўнгилли равишда ёллаш, меҳнатига яраша иш ҳақи тўлаш тартибига ўтиши зарур. Шунда хўрлаш ва камситишлар, инсон шахсини таҳқирлашлар бўлмас. Темир тобутлар жигаргўшаларни бўзлатмас.

Лоқайдлик, боқибеғамлик охир-оқибат боши берк кўчага олиб боради. Кейинги тўрт йилда мамлакатимизда анча-мунча йигит ҳарбий бурчини ўтаётганда ҳалок бўлди. Ахир ҳар бир тақдир ортида қанчадан қанча кўз ёши, ушалмаган армонлар, юракдаги аламлар бор.

Бегуноҳ қурбонлар берилмаслиги, кўз ёшлар тўкилмаслиги учун ҳам армиямизда қатъий тартиб бўлиши шарт. У ўзаро ҳурмат, ягона мақсад асосига қурилиши керак. Шунда кўнгиллар хотиржам, осуда хонадонларда бевақт йиғи овози бўлмайди...

Фозилжон ШОДМОН.



Устозларни қутлаб

Маълумки, бундан бир ойча муқаддам жумҳуриятимиз Президентининг Фармони билан 300 дан ортиқ илғор муаллимлар «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонлари ва жумҳурият Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эдилар. Улар орасида пойтахтимизнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаби икки кекса педагоглари: Хотима Қодирова ва Ҳамидулла Йўлдошевлар ҳам бор эди. Мазкур мактабда 40 йилдан ортиқ таълим-тарбия бериб келган фидокор, жонкуяр ўқитувчилар «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» юксак унвонига сазовор бўлдилар.

Хотима опа 45 йилдан буён қадрдон мактабларида бошланғич синфларга сабоқ бериб келади. Шу билан бирга чорак асрдан буён бошланғич синфлар бўйича метод бирлашма бошлиғи, ўнлаб ёш педагогларнинг камтарин устозидир.

Ҳамидулла ака саккиз йилдан бери қарилик гаштини сураётган бўлсалар-да, аммо қадрдон мактаблари билан алоқасини узмаганлар. У киши жамоатчи мухбир сифатида таълим-тарбия ва бошқа мавзуларда мақола, лавҳа, очерклар ёзиб, ёшларни илм олишга чорлайди. Бундан ташқари Ҳамидулла ака йигирма йилдан буён комсомол тарихини ўрганиб келади. У тўплаган материаллар пойтахтимиздаги жумҳурият комсомол тарихи, Островский номли шаҳар кашшофлар ва ўқувчилар саройи музейига, Собир Раҳимов ноҳиясидаги Абдулла Набиев номли кашшофлар ва ўқувчилар уйига, Тошкент ноҳиясида жойлашган Мақсуд Шайхзода номли кашшофлар ва ўқувчилар уйи ва бошқа мактабларга ҳадя этилган. Кекса устоз шу кунларда севимли мактабларнинг тарихини ёзиш билан машғул (рус тузем мактаби заминида тузилган 24-мактаб 1992 йилда 100 ёшга тўлади).

24-мактаб ўзининг тарихий анъаналарига эга. Бу гал ҳам анъанага содиқ қолинди. Севимли устозларини қутлашга келган ўнлаб шогирдлар дил сўзларини изҳор этдилар.

СУРАТДА: тантанали кечадан лавҳа.

Суратчи Даврон АҲМАД.

ЕТАКЧИЛАР ЙИҒИНИ

Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳиясидаги 1-ўрта мактабда ноҳия кашшофлар етакчиларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда 55 та ўқув даргоҳи кашшофлар етакчилари иштирок этишди.

— Кашшофлар ишини ташкил этиш ва уларни олиб боришда талай камчиликлар, тушунмовчиликлар мавжуд, — дейди 17-мактаб кашшофларининг бош етакчиси Абдумалик ака Зубаев. — Яқинда бўлиб ўтган жумҳурият кашшофларининг XV слёти қарорлари бу ишга бир қанча ўзгаришлар олиб кирди. Қолаверса, семинар ҳам умумишимиз ривожига хизмат қилиши керак.

Ростдан ҳам жойларда кашшофлар иши кўнгилдагидек олиб борилмаётир. Кадрлар қўнимсизлиги тобора ошиб бормоқда. Бу эса мактаблардаги кашшофлар ишининг бир маромда олиб борилмаслигини таъминламоқда. Токи, кашшофлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаб олмас эканлар, бу камчилик ва нуқсонлар давом этаверади. Семинар қатнашчиларининг якдил қарори ҳам шу.

З. МАМАТҚУЛОВА.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28634.